Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 48 (6. 837) ◉ 1989 йил 27 февраль, душанба ◉ Баҳоси 3 тийин

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюросида

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг навбатдаги бюро мажлисида шаҳар партия комитетининг бўлажак пленумига тайёргарликнинг қандай кетаётганлиги тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Маълумки, ана шу бўлажак пленумда XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси талаблари асосида шаҳар озиқ-овқат таъминотини яхшилаш бўйича партия ташкилотлари, совет ва хўжалик органларининг навбатдаги вазифалари муҳокама этилди.

Шу нарса таъкидлаб ўтилдики, ҳамшаҳарларимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш проблемаси бугунги кунда биринчи даражали снёсий вазифа жиҳатидаги характерга эга бўлиб, бу нарса конкрет амалий иш программасини ишлаб чиқиш зарурлигини тақозо этмоқда, у шаҳар аҳолисининг эҳтиёжлари ва Ўзбекистон пойтахти реал иқтисодий потенциалини ҳисобга олишга тўла равишда жавоб бермоғи даркор.

Бюро мажлисида Тошкент аҳолисини 1989—1990 йилларга ва 1995 йилга қадар озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашнинг комплекс программаси лойиҳаси ва ана шу программани ташкилий ва идеологик жиҳатдан таъминлаш борасидаги тадбирларнинг плани маъқулланди.

Шаҳар партия комитетининг бюроси яна бошқа масалаларни ҳам қараб чиқди, ана шу масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Конференция ўз ишини тамомлади

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг «Ошоралик ва ижтимоий турушини демократиялаш шароитида миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари» мавзуидаги регионал илмий-амалий конференцияси 25 февраль куни Тошкентда ўз ишини тамомлади.

Якунловчи ялпи мажлисда секцияларнинг раҳбарлари — Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. Д. Дадабоев, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Х. Д. Дурдиев, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ў. Ж. Жонибеков, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов секциялар ишининг якунлари тўғрисида ахборот бердилар.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов якунловчи нутқ сўзлади. У конференция иши чоғида демократиялаш, ошоралик, иқтисодий ва ижтимоий турмушни қайта қуриш шароитида миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган кўпгина қимматли таклифлар тушганини таъкидлади. Бу таклифларнинг барчаси умумлаштирилиб, КПСС Марказий Комитетига юборилади. СССРда миллатлараро муносабатлар тўғрисидаги масалани муҳокама қиладиган Марказий Комитет Пленумига тайёргарлик даврида улардан фойдаланилади.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ИДЕОЛОГИЯ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Идеология комиссиясида республикада «Наврўз» байрамини тиклаш масаласи кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Идеология комиссиясининг халқ байрамлари ва маросимларини қайта тиклаш ва такомиллаштириш масалалари юзасидан республика аҳолисига мурожаатномаси жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотганлиги таъкидлаб ўтилди. Келаётган жуда кўп хатларда ва жамоаларда белгиланаётган тадбирлар маъқуллаганлиги, Яқин ўтмишда халқ турмушининг маданий ва маънавий соҳасида маъмурият ва ижтимоий ташкилотларнинг йўл қўйганлиги, асрлар давомида яратиб топган анъаналарни писмиқмоқлик, баъзи бир вақтда тўқиб чиқарилган тадбирларни тиқиштириш республикадаги социал-маънавий муҳитга салбий таъсир қилганлиги қайд этилди. Расмиятчилик ва ҳаддан ташқари тадбирбозлик умумдавлат байрамларининг ғоявий мазмунини бемаънилаштириш сабабларидан бири бўлди.

Меҳнаткашларнинг таклифларини таҳлил қилиш «Наврўз» энг муҳим байрамлардан бири эканлигини кўрсатди. «Наврўз» байрами регион деққонлари учун янги меҳнат йили бошланишини билдиради ва анъанага мувофиқ, баҳорда кун узайиб, кун ва тун баравар-лашганда 21-22 мартда нишонлаб келинган. «Наврўз» асрлар давомида одамларда она ерга ва табиатга меҳр-муҳаббат, унга авайлаб муносабатда бўлиш ва уни ардоқлаш туйғуларини тарбиялаган, меҳнат тарбиясида ва маънавий тарбияда муҳим роль ўйнаган. «Наврўз» байрами кунларида урушлар тўхтатилган, гинакудуратлар унутилган, одамлар тинч ва яхши қўшничилик алоқаларига интилганлар, шу муносабат билан халқнинг ана шу маросимини қайтадан тиклаш ва республикада ҳар йили 21 март куни «Наврўз» байрамини кенг нишонлаш, шу куни театр-томоша, музика-назм ва цирк санъати хилма-хил намуналарининг профессионал группалар ва бадиий ҳаваскорлик коллективлари иштирокида кенг намойиш этиш мақсадга мувофиқ, деб топилди. «Наврўз» байрами кунида китоблар, тасвирий санъат ва халқ санъати асарлари кўргазмасини, халқ истеъмол моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари савдосини ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

21 мартдан 21 апрелгача бўлган даврни «Раҳм-шафқат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ойлиги» деб эълон қилиш тавсия этилди. Шу муддат ичида «Хотира куни»ни, «Биринчи пушта» «Биринчи экин», «Дон, маиса ва сув куни»ни, болаларнинг «Бойчечак» байрамини, «Лола сайли»ни ва бошқа маросимларни ўтказиш белгиланмоқда.

Область, шаҳар ва район партия комитетларига маҳаллий Советлар билан биргаликда маҳаллий тарихий-маданий анъаналарни ҳисобга олиб, меҳнат коллективлари ва истиқомат жойларидаги комитетлар билан келишиб, «Наврўз» байрами билан боғлиқ маросимларни ўтказишнинг конкрет вақтини белгилаш тавсия қилинди. Халқнинг ватанпарварлик ва интернационализм туйғуларини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган энг яхши анъаналаридан фойдаланиш, «Наврўз» байрамини нишонлашга республикада яшаётган барча миллатлар ва элатлар вакилларини фаол жалб этиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигига 21 март куни Тошкент шаҳрида катта байрам концерти ташкил этиш, республика бўйлаб «Наврўз»га бағишланган гастрол сафарлари программасини ишлаб чиқиш таклиф қилинди. Оммавий ахборот воситаларига республикада «Наврўз» байрамига тайёргарликнинг борищи ва унинг ўтказилишини кенг ёритиш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

Ўзбекистон ССР Олий Советини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдан ташқари ўнинчи сессияси 1989 йил 6 март куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари
А. РОМАНОВСКИЙ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1989 йил, 25 февраль.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми хабар қилади: **Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдан ташқари ўнинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш назарда тутилади:**

1. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Орол денгизи районидаги экология ва санитария вазиятини тубдан яхшилаш, унинг ҳавзасидаги сув ва ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва уларни муҳофаза қилишни кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги 1988 йил 19 сентябрь қарорини бажариш соҳасидаги ишлар тўғрисида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг доклади.

2. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Ҳовли тўйлари ўтказилмоқда

«Ивановолик тўқимачилар» массиви аҳолиси яна 180 оилага кўпайди. Бунда «Ташгорстрой»га қарашли 3-уйсозлик комбинатининг 1-қурилиш бошқармаси коллективи ҳиссаси катта. Чунки бинокорлар 9 қаватли 180 квартирали турар жой биносини муддатидан олдин фойдаланишга топширишга эришдилар.

Қурувчилар мазкур объектда 1,5 миллион сўмликдан ортиқ иш бажариб, пардозлаш ишларига ҳам алоҳида эътибор қилишди. Шунинг учун бўлса керак, ойнаванд лоджиялардан иборат, дид билан тикланган бино хонадон соҳибларига манзур бўлди.

Д. ОБЛАЕВ.

ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг навбатдаги қурултойи шу йил 14-15 март кунлари Тошкентда чақирилади. Регион мусулмонлари Диния бошқармасининг ҳайъати шу ҳақда қарор қабул қилди. Қурултойда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонда ишлаб турган барча масжидлар ва қозиятлар (ислом бошқармалари) вакиллари қатнашади. Унда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диния бошқармасининг қилинган ишлар ҳақидаги ҳисоботи муҳокама этилади, Диния бошқармасининг янги Устави лойиҳаси кўриб чиқилади, бошқарма раҳбарлари сайланади.

— Устав лойиҳасида давлат ва дин ўртасидаги янги муносабатлар билан боғлиқ туб ўзгаришлар кўзда тутилган, бу ўзгаришлар қайта қуриш, демократиялаш ва ошоралик туфайли бошланди,—деди ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда Диния бошқармаси раисининг ўринбосари шайх Юсуфхон Шокиров. — Ҳозир мусулмонларнинг уюшмаларини рўйхатга олиш, бир қанча масжидларни рўйхатга олинган уюшмалар ихтиёрига топшириш, мадрасалар учун комплекслар қуриш масалалари эркин ҳал қилинмоқда, уларда таълим олаётган талабалар сони кўпайтирилмоқда, зарур диний адабиётларни нашр этиш кўзда тутилмоқда, машҳур аллома Абу Исо ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўрилмоқда. Бизнингча, буларнинг ҳаммаси дин билан давлат ўртасидаги муносабатларнинг Ленин асос солган нормаларига қайтишни билдиради, таассуфки, шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларида бу нормалар бузилган эди.

Қурултой Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг янги бошлиғини сайлайди. Ҳайъат мажлисида ана шу лавозимга ҳозир диния бошқармаси раиси вазифасини бажараётган Муҳаммадсодиқ Мамаюсупов бирдан-бир номзод сифатида тавсия этилди.

— Янги раҳбар сайлаш зарурати, — деб давом этди Ю. Шокиров, — шу йил февраль ойининг бошларида собиқ муфтий Ш. Бобохонов истеъфога чиққанлиги билан боғлиқ. Бундай вазият етилиб қолган эди. Бир гуруҳ диндорларнинг Тошкент шаҳрида ўзидан-ўзи келиб чиққан намойиши воқеаларнинг ривожини жадаллаштирди, холос. Намойиш қатнашчилари муфтиға ақидаларни яхши билмайди, исломинг баъзи маънавий-ахлоқий принципларидан, шариат қоидаларидан чекинган, деб эътироз билдирдилар.

Шу муносабат билан чет эллардаги кўпгина оммавий ахборот воситалари турли уйдирмаларни тарқатмоқда. Чунончи, «Озодлик» радиостанцияси 12 февралдаги эшиттиришида 3 февраль куни Тошкентда бўлиб ўтган намойиш сиёсий тусда эди ва уни маркази Олмаотада жойлашган «Ислом ва демократия» норасмий гуруҳи ташкил этган, деган уйдирмани тарқатди. Бу хусусда Муҳаммадсодиқ Мамаюсупов бундай деди:

— «Ислом ва демократия» деган ташкилот борлигини энди эшитиб турибман. Менга шу нарса маълумки, Тошкентдаги намойишни ҳеч ким ташкил этмаган. Бу намойиш ўзидан-ўзи вужудга келди ва соф диний тусда бўлди, унга фақат бир нарса—диндорларнинг Шамсуддин Бобохонов нишидан норозилиги аллақачон кучайганлиги сабаб бўлди. Намойишнинг мақсади ҳам битта, у ҳам бўлса диния бошқармаси раҳбарлигидан уни четлаштириш эди.

— Биз ҳокимиятга ҳеч қандай эътироз билдирганимиз йўқ,—деди намойишда қатнашган тошкентлик инженер-электрик Абдукарим Рашидов. — Шугина эмас, мен кўпгина аҳли мўминлар билан суҳбатлашдим, уларнинг ҳаммаси қайта қуришни қўллаб-қувватламоқда. Биз фақат муфти истеъфо беришини талаб қилдик. «Ислом ва демократия» ташкилотига келганда эса, бундай ташкилот борлигини ҳеч қачон эшитмаганман.

26 МАРТ — СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ КУНИ

Марказ иш бошлади

Пойтахтимизнинг Киров районидаги 105-ўрта мактаб биносига жойлашган 65/116-сайлов участкаси қошидаги ахборот-пропаганда маркази коллективи ҳам бўлажак СССР халқ депутатлари сайловини кунига тайёргарлик ишларини қизғин авж олдириб юборишган.

Марказ аъзолари 18 кишидан иборат бўлиб, уларнинг кўпчилиги аввалги сайловларда фаол иштирок этиб, ташвиқот-тарғибот ишларида тажриба орттирган моҳир педагоглардир. Шу боисдан ҳам улар бу йилги муҳим сиёсий кампанияни уюшқоқлик билан ўтиши учун аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришяпти.

Ахборот-пропаганда марказига педагог Салтанат Пидаева етакчи қилиб тайинланган. Марказ аъзоларидан Мавлуда Ғофурова, Шоира Султонова, Дилбар Тўлаганова, Муаззам Ғуломова, Ҳури Исроилова, Донма Фазлитдинова каби пропагандистлар ўзларига бириктирилган территориядаги сайловчиларни рўйхатга олиш билан бирга бу йилги сайловга оид турли темаларда қизиқарли суҳбатлар ўтказишни режалаштириб қўйишган.

— КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатномаси пропагандистларимиз учун асосий дастурилламалдир, — дейди биз билан суҳбатда участка сайлов комиссияси раиси ўринбосари, мазкур мактаб директори Ойбек Иноятов. — Бу йилги сайловлар кенг демократия ва ошоралик вазиятида ўтишини омма онгига етказиш коллективимизнинг асосий шиоридир.

Шу кунларда ахборот-пропаганда марказининг коллективи ёш сиёсий жараённинг юқори савияда ўтиши учун тарғибот ишининг хилма-хил усулларидан фойдаланяпти.

Э. ТЎЛАГАНОВ.

Ҳамшаҳарлар, Сизлар учун

«МОЗАИКА» КООПЕРАТИВИ

«Ташоблстрой» территориал-қурилиш бирлашмасига қарашли пардозлаш-қурилиш ташкилоти қошида ташкил этилди. Бу ерда аҳоли буюртмаси асосида турли хил қурилиш ишлари амалга оширилади. Кооперативлар бир ойда 12 минг сўмлик хизмат кўрсатади.

«ВЕТЕРАН» ЧОЙХОНАСИ ТАХТ

Ҳамза районининг «Янгиобод» массивида «Ветеран» чойхонаси фойдаланишга тахт қилиб қўйилди.

Ўзбек меъморчилиги асосида, ўймакорлик билан тикланган бу чойхонани «Ташоблстрой» территориал-қурилиш бирлашмасига қарашли пардозлаш - қурилиш бошқармасининг Ф. Ибодуллаев етакчилик қилаётган бинокорлар коллективи олиб боришди.

● Тошкент хўжалик маиший буюмлар заводининг йиғувчиси Машкура МАҲАМАДЖОНОВА.

Замондошимиз



Т. Каримов фотоси.

МИНИСТР БИЛАН МУЛОҚОТ

Бизни нега кам эслашади?

Ҳурматли Ўлмас Раҳимович! Қайта қуриш шарофати билан ошкора мулоқотда бўлиш имкониятн туғилган экан, сизга бир неча савол билан мурожаат қилмоқчиман.

Маданият ходимлари учун рус тилида чиқадиган «Клуб», «Культурно-просветительная работа», «Молодёжная эстрада» каби қатор марказий журналлар илғор иш усулларини ёритиб, яқиндан ёрдам бериб турибди. Уларда доимо мукаммал сценарийлар эълон қилинади. Лекин, ҳаммаси ҳам бизнинг шароитга тўғри келавермайди. Баъзан рус тилидан таржима қилишга қийналамиз. Республикамизда ҳеч бўлмаса уч ойда бир марта чиқадиган журнал ташкил этишнинг имконияти йўқми!

Кўрсатилаётган ёрдам ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Мен 12 йилдан бери соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли болалар санаторийсида ишлайман. Тармоқ министрликларга қарашли муассасалар маданият министрлиги учун бегона шеклилп. Чунки бизни бирор кўрик бўлса ёки ҳисобот топшириш учунгина эслашади.

Маданият ходимларининг ойлик маошини оширш вақти ҳам келмадимикан! Ана шулар ҳақида жиддий ўйлаб кўриш зарур.

Т. СОТИБОЛДИЕВ,
клуб мудири.

Клуб керак

Илгари Бўстонлиқ районидаги бу посёлкада Чирчиқ ГЭСи каскадининг ёзги ва қишки клублари фаолият кўрсатарди. Посёлка марказининг файзи, айниқса, бошқача эди.—Афсуски, 1966 йилда эилзила юз берди-ю, аҳоли бир йўла ҳамма нарсадан маҳрум бўлди-қолди. Қисман ремонт қилиб ишлатилиши мумкин бўлган қишки клуб биноси бузиб ташланиб, ўрнига болалар боғчаси ҳамда иккита турар жой биноси қурилди. Чойхона ўрнини Искандар матлубот жамияти маъмурияти идора қилиб олди. Новвойхона ва сомсахона эса, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўконга айлантирилди.

Шундан бери бошқа маданий-маиший хизмат кўрсатадиган объектлар қуриб беришни сўраб мурожаат қилмаган ташкилотимиз қолмади. «Маблағ йўқлиги сабабли посёлкада клуб қурилиши амалга оширилмайди», деган жавоб олдимиз.

КПСС Марказий Комитетининг қишлоқ жойларида клуб муассасаларн қурилишини жадаллаштириш, мавжудларидаги ишни ҳар томонлама жонлантириш ҳақидаги махсус қарорн нақотки Бўстонлиқ район ижроия комитетидаги ўртоқларга етиб келмаган бўлса! Район ижроия комитети раисининг ўринбосари В. Қодиров билан бўлган суҳбатда «Маданият министрига мурожаат қилинглар, маблағ ажратиб берса клуб эмас маданият уйи қуриб берамиз», деганди.

Хўш, бунга сиз нима дейсиз, Ўлмас Раҳимович!

Р. КУЧАРОВ.

Томошабин эътибордан қолмасин

Ҳурматли министримизга анчадан бери дилимга тугиб юрган фикрни айтиш имконияти туғилганидан мамнунман.

Эллигинчи йилларда театр саҳналарн чиройли декорациялар билан безатиларди. Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрида қўйилган «Алишер Навоий», «Гамлет», «Отелло», «Ревизор», «Бой ила хизматчи» спектаклларини ҳузур қилиб томоша қилганман. Энди бўлса премьера пайтида воқеа саҳнанинг орқаси қоронғи қилиб, баён қилинади. Бундан эса яхши таассурот ололмайсиз. Рассомнинг меҳнати ҳам кўринмайди.

Яна бир масала. Концертларнинг билетларини арзонроқ қилиб қўйиш зарур. Чунки ўзбек онласидан бўлмаганда 3-4 кишн дам олишга келади. 15-20 сўмга билет олиб, томошага кирши оғирлик қиладн, албатта.

Менимча, кино, театр, эстрада, филармония ва бошқа маданият ўчоқларини хўжалик ҳисобига ўтказиш керак. Шундагина санъатда хушовоз, ҳақиқий халқ севадиган санъаткорлар қолишади.

Ф. МАНСУРОВ,
уруш ва меҳнат ветерани.

Таклифларимиз

Мен Октябрь районидаги «Октябрь 50 йиллиги» маҳалласидаги кўпни кўрган, тажрибали оналар, меҳнат ветеранлари номидан қуйидаги истакларни билдиришни лозим топдим.

1. Тошкент телепрограммасида кнйинш маданиятига эътибор берилса, «Зангори экран» орқали асабга тегувчи музикалар, ғарб киносанъатига тақлидан ишланган фильмлар ўрнига покиза, ҳалоллик ҳақида, меҳнатда тобланган инсонлар ҳаётидан лавҳалар кўрсатилса яхши бўларди. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи», «Нафосат» каби кўрсатувлар кўпроқ ўрин олсин.

2. Театр, кино, концерт залларида ўтказилаётган учрашувларда аёл орнятн, йигит-қизлар одоби, муҳаббат, дўстлик, ўзаро ҳурмат мавзуларида савол- жавоб кечаларн ўтказилсин.

Ҳурматли министримиз бизнинг таклифларимизни инобатга оладилар, деб ўйлайман.

Ш. ҚУШОҚОВА,
педагог.

Санъатни халқ баҳоласа

Маданият министримизга бир таклифим бор.

Мен 20 йилдан бери лирик хонанда, «Лазги» ансамблининг бадиий раҳбари Ортиқ Отажоновнинг мухлисиман. Бугунги кунда унинг жозибали қўшиқларини ҳар бир ўзбек хонадонида эшитиш мумкин.

Бир нарсага ҳайронман. Нега талантн, хуш овозн билан элга таннлган бу хонандага «Халқ артисти» унвонн берилмайди!

Умуман, баракали ижодий ишлаётган муносиб санъаткорларга унвон тақдим этилишидан олдин халқимиз ҳукмига ҳавола этилса қандай бўларкин!

О. БОЙМУРОДОВ,
студент.

«Министр билан мулоқот»га келган бошқа мактублар ҳам бор. Сирдарё область, Ховос районидаги мактаб ўқувчиси У. Тиласов Тошкент театр ва рассомчилик санъати институтида яратилаётган шароит, Тошкент шаҳридаги Корченов кўчасидан Р. Султонов А. Қаҳҳор номидаги республика сатира театри биноси қачон қурилиши ҳақида сўрашибди. Юқоридаги мазмундаги хатларни, шунингдек, Тошкент маданий-оқартув техникуми ўқитувчиси А. Исматиллаев, А. Навоий номидаги кутубхонанинг бир группа ходимлари, Тошкент шаҳридан У. Абдуллаев, А. Усмонов, Х. Убайдуллаева, шунингдек Сирдарё область, Ғаллаорол районидаги «Ғаллаорол» совхозида яшовчи А. Донабоев, Андижон область, Балиқчи район, «Пахтакор» совхозидан Б. Исоқовалар ҳам йўллашган.

КПСС XXVII съезди қарорлари—амалда



КПСС XXVII съезди қарорларини амалга оширишга учун курашаётган минглаб шаҳримиз ишчилари орасида турли миллат вакиллари бор. Шулардан бири «Ташхимсельмаш» заводининг 1-цехи пешқадам токари Илья Гендельман-дир. У ўз зиммасидаги топшириқларни мунтазам ортиғи билан адо этиб келмоқда.

Л. Панкратова фотоси.

Сўз—КПСС XXVII съезди делегатига

Ҳамма ўз ҳиссасини қўшса...

Партия тарихига катта саҳифа олиб кирган КПССнинг XXVII съездига ҳам уч йил тўлибди. Шу давр ичида халқ хўжалигимизда, барча соҳаларга ва умуман турмушимизга қайта қуриш кириб келди. Босиб ўтилган уч йил мобайнида мислсиз қийинчиликлар ва ҳатто адашишларга ҳам дуч келдик. Қайта қуриш осон кечмаётганини, бу айниқса боғ ичида сайр қилиб юриш эмаслигини тушуниб олдик. Ҳаёт ҳақиқати кўп йиллардан буён ечимини кутиб ётган муаммолар кўлами биз ўйлагандан ҳам зиёдроқлигини исботлаб берди. Бу муаммоларни бирданига ҳал этиш мумкинми? Магазинларимиз пештахталарини олинг, уй-жой таъминоти, медицина хизмати, экологик вазият, миллатлараро муносабатлар... Бу рўйхатга яна ёшлар, уларнинг сиёсий-маънавий дунёқарашларини шакллантиришни қўшиб давом эттириш мумкин.

45 йиллик ҳаётимнинг 30 йилини машинасозлик саноатига бағишладим. Меҳнатдаги фаолиятим автоматчи токарликда давом этиб келмоқда. Тошкент авиация техникумининг кечки бўлимига кириб, 1971 йилда битирар эканман, металлни совуқ усулда ишлаш технологи ихтисосини эгалладим. 1976 йилдан буён автоматчи-токарь ихтисосида олий малака разряди билан ишлаяпман.

Умрининг ярмини ишлаб чиқаришда ўтказаётган ишчи агар машина-ускуналар эскириб қолган, қўл меҳнати кўп, хавфсизлик техникаси орқада қолаётган ва бошқа камчиликлари кўп бўлса, ишига нисбатан ўзгариши қандай кечиши мумкин? Албатта, муаммоларни санайвериш билан иш битмайди. Уларни ҳал этиш муҳим. Бу энг аввало кўпроқ бизнинг қўлимизга, бизнинг куч-қудратимизга боғлиқ.

Нокамтарлик бўлса ҳам айтақолай. 1979 йилдан буён ҳозирги вақтгача Ҳамза район партия комитети бюроси аъзосиман. Бу фаолиятимни айниқса сўнгги уч йил орасидаги ўзгаришлар билан тенглаштириб бўлмайди. Хусусан, район партия комитети ўз ишида қайта қуриш ясади. Энди бюро аъзоси қайсидир бошланғич партия ташкилотига бириктирилиб, ўша ташкилот фаолияти учун шахсан масъул бўлиб қолди. Менга биркитилган «Узобувьторг» ва «Узхозторг» бошланғич партия ташкилотлари ишида ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлмоқда. Тўғри, коммунистлар активлиги ўта юқори даражада деб айтиб бўлмайди. Ўз ваъзифасига совуққонлик билан қаровчи масъулиятсиз кишилар ҳам йўқ эмас. Мазкур бошланғич ташкилотларда ҳам давом этаётган коммунистлар аттестацияси бу нарсага айниқса эътиборни қаратмоқда. Хуллас, давом этаётган қайта қуриш ишининг илдамроқ силжишига ҳар бир киши ўз ҳиссасини қўшиши, тартибга келтириши, жамиятни соғломлаштиришда четда турмаслиги лозим. Ана шундагина натижалар кўлами кутганимиздан зиёда бўлиши табиий.

Ю. СТЕПАНЕНКО,
«Ташсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси, II ва III даражали Меҳнат Шуҳрати орденлари кавалери.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездидан кейин орадан уч йил муддат ўтди. Бу давр ичида ҳамма қаторни шаҳримиздаги корхона, ташкилот, муассасаларнинг партия комитетлари ушбу тарихий анжуман белгилаб берган йўлдан олға бориб, унинг қарорларини ҳаётга тадбиқ этишда самарали натижаларни қўлга киритдилар. Ана шундай корхоналар қаторига Тошкент шаҳар «Мебельбит» ишлаб чиқариш бирлашмасини ҳам киритиш мумкин. Съезд қарорларидан руҳланган коллектив йил сайин янгидан-янги ютуқларга эришмоқда. Шу муносабат билан мухбиримиз бирлашма партия комитетининг секретари, Собир Раҳимов район партия комитети аъзоси Людмила Константиновна Кравчук билан учрашиб, суҳбатлашди.

Ёрқин программа

— Людмила Константиновна, суҳбатимизни анъанавий саволдан бошласак: съезд қарорларини амалга ошириш юзасидан корхонада қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

— Келинг, яхшиси, аввало диққатимизни съезд минбаридан янграган ушбу сўзларга қаратайлик: **«Ҳозир партиянинг бутун, халқнинг биринчи галдаги вазифаси — экономиканн ривожлантиришдаги нохуш тенденцияларни қатъиян бартараф этишдан, унга лозим даражада динамизм бахш этишдан, омманинг ташаббускорлиги ва ижодкорлигига, чинакам революцион ўзгартишларга кенг йўл очиб беришдан иборат».** Демак шундай экан, биринчи навбатда эътиборни экономикани жадал ривожлантиришга қаратиш керак. Лекин бу иш ўз-ўзидан амалга оша қолмайди. Бунинг учун техника тараққиётига эришиш, шу йўл билан меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот турларини кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилашга эришиш лозим. Хўш, бу масалалар бизнинг корхонамизда қандай амалга оширилмоқда? Бирлашмамизда 8 та ишлаб чиқариш, 5 та ремонт ва битта ойна ишлаб чиқариш цехлари мавжуд. Буларда ҳаммаси бўлиб 670 ишчи меҳнат қилади.

Партия съездидан кейин корхонада техника тараққиётига кенг эътибор бердик. Цехларда алмисоқдан қолган ускуналар янгиланди. Уч йил мобайнида 50 процент жиҳозлар янгиси билан алмаштирилди. Қарабсизки, меҳнат унумдорлиги ҳам сезиларли даражада ошди. Маҳсулот турлари бўйича ҳам анча ўзиб кетдик. Агар бутун бирлашмамизда юздан ортиқ турда маҳсулот чиқарилаётганини айтсам, бу борадаги ўсиш ўзидан аён бўлади-қолади.

Бирлашмамиз ишлаб чиқараётган мебелларга бўлган талаб йил сайин ошиб бораётганлиги маҳсулот сифати тобора ортиб бораётганидан далолат беради. Бунинг исботи учун корхонамизга меҳнаткашлардан келадиган шикоят хатларини кескин камайганлигидан ҳам билса бўлади.

Партиямиз съездида айтилган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олади. Бу, албатта, ишлаб чиқаришни ҳам, ижтимоий соҳани ҳам, маънавий ҳаётни ҳам ўз ичига олади. Бу йўналишларнинг ҳаммаси ҳам бизнинг корхонамизга тегишли. Масалан, биз ишлаб чиқараётган мебелларга бўлган талаб ҳеч қачон қондирилмайди. Шунинг учун ҳам бу соҳада ишлаётган коллективимиз ўз имкониятларини тўла ишга солиб, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда. Бу ҳаракатларимиз ҳам ўз самарасини бермоқда. Ҳозирги кунда бирлашмамиз партия комитети тавсиясига биноан 49 коммунист бирлашган. Уларнинг ҳаммаси меҳнатда синалган ишлаб чиқаришда чиниққан кишилар. Партия комитети уларнинг ҳар бирига алоҳида партиявий топшириқ бериб қўйган. Коммунистлар бўш вақтларини ана шу жамоатчилик ишини бажаришга қаратишади. Ҳатто бирлашма директори Маҳмуд Мамажонов ҳам бундай вазифадан четда қолган эмас. У корхона комсомол комитети ишлари билан шуғулланади, ёшларга амалий ёрдам кўрсатади. Цех бошлиғи Султон Ҳасанов эса корхона ишчилари ўртасида иқтисодий ўқувни олиб боради, бирлашманинг актив пропагандисти ҳисобланади. Коммунист Анвар Абдусаматхўжаев бирлашма халқ контроли бош группасига раислик қилади. Бу ҳисобни истаганча давом эттириш мумкин.

Корхона партия комитети фаолиятида камчиликлар ҳам йўқ эмас. Айниқса, бу коммунистлар аттестацияси вақтида рўй-рост кўринди. Кўпчилик коммунистларнинг сиёсий билими пасайиб кетганлиги маълум бўлди. Биргина мастер Леонид Акимович Рибаковни олайлик. У кейинги вақтларда ўз устида ишламай қўйди. Ўзи мастер бўла туриб қўл остидаги ишчилар билан ичкиликбозлик қилди. Биз уни бир неча бор огоҳлантирдик. Шундай йиғилишларнинг бирида, ҳатто уни ишдан ҳайдаш масаласи ҳам қўйилди. Лекин кўпчилик коммунистлар бир ёқадан бош чиқаришди. «Уни ўзимиз тарбиялаймиз», деб туриб олишди. Дарҳақиқат «ёмон» ишчидан қутулиш осон, лекин уни тарбиялаш қийин. Ҳозир Леонид Акимович илғорлар сафидан ўрин олган.

— Людмила Константиновна, съезд томонидан ўртага қўйилган вазифалар корхона фаолиятида тўла амалга ошяпти деб ўйлайсизми?

— Йўқ, албатта. Ҳали биз бу борада кўп ишлар қилишимиз керак. Бир сўз билан айтганда, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съезди қарорлари барчамиз учун дастуруламал вазифасини ўтайди. Шундай экан, биз уни ҳамиша ўқиб-ўрганишимиз, ундаги белгиланган вазифаларни қай бири амалга ошмай қолаётганини эътиборда тутишимиз ва уни тезроқ ҳаётга тадбиқ этиш йўлида изланишлар олиб боришимиз керак.

Суҳбатни М. КОМИЛЖОНОВ олиб борди.

Озиқ-овқат Программаси бўғинлари

Мева-сабзавот ва картошка кўпаядими?

КПСС XXVII съездида мамлакат Озиқ-овқат Программасини амалга оширишнинг аниқ йўллари белгилаб берилган эди. Съезд резолюциясида, жумладан, шундай дейилган эди: «Партиянинг ҳозирги аграр сиёсатини қунт билан амалга ошириш, СССР Озиқ-овқат Программасини бажариш партия, совет, хўжалик органларининг, барча коммунистларнинг, бутун халқнинг биринчи навбатдаги вазифасидир. Агросаноат комплексини ривожлантиришда шундай қатъий силжиш лозимки, токи ўн иккинчи беш йилликдаёқ аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш жиддий суръатда яхшилансин».

КПСС Марказий Комитетининг бўлажак Пленумида мамлакатда Озиқ-овқат Программасини ҳал этиш билан боғлиқ масалалар атрофлича кўриб чиқилади. Шаҳар партия комитетининг яқинда бўладиган пленуми ҳам ана шу долзарб масалага бағишланади.

Бугун Тошкент область агросаноат комитетининг етакчи мутахассиси Ф. Д. Муҳитдинов аҳолини мева-сабзавот маҳсулотлари ва жумладан, картошка билан таъминлаш юзасидан қандай тадбирлар кўрилаётгани ҳақида мухбиримиз Ҳ. Икромовга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Партия XXVII съезди белгилаб берган Озиқ-овқат Программасининг бугунги кунда қандай амалга ошириладиганини бежиз жиддий таҳлил этилаётгани йўқ. Бу масала бугунги кунда область ва шаҳар партия ташкилотлари, совет ва хўжалик органларининг диққат-марказида турган масаладир.

Областимизда мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ва айниқса картошка етиштиришни кўпайтиришга катта эътибор билан қаралмоқда. Картошкачилик ва мева-сабзавот етиштиришни кўпайтириш бўйича бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилди.

Гап шундаки, картошка тақчиллиги бирданига бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ.

1982 йилги статистика маълумотларига назар ташласак, КПСС Марказий Комитетининг май Пленумидан кейин хўжаликларда картошка етиштириладиган майдонлар 4,3 минг гектарга қисқартирилиб кетди. Умумий картошка миқдори 91,4 минг тоннага ёки икки ярим бараварга камайиб кетди.

Бунинг натижасида областда ҳам аҳолини картошка билан таъминлашда нонормал ҳолат юзага келиб қолди. Ахир, узоққа бормасдан, 1987 йилдаги натижага назар ташласак шуни кўрамизки, бундан икки йил муқаддам аҳоли жон бошига бор-йўғи 14,1 килограммдан картошка тўғри келди. Ҳолбуки, норма бўйича 45 килограммдан бўлиши керак эди.

Яна бир қизиқ факт. Сабзавот экинлари майдони 650 гектарга кенгайгани ҳолда ялпи ҳосил 17,6 минг тоннага камайиб кетган. Мева етиштириш ҳам икки ҳиссадан зиёд камайиб кетди. Савдонинг пухта ташкил этилмаслиги, мева-сабзавот нархнавосининг бозорда «осмонга чиқиб кетаётгани» аҳолида ҳаққоний эътирозлар туғдиряпти.

Хўш, бу аҳволга барҳам бериш мумкинми? Мумкин! Ҳозир бу борада жиддий иш олиб борилмоқда.

Аввало, аҳолини картошка ва мева-сабзавот маҳсулотлари билан нормал таъминлаш учун қуйидагича тадбирлар ишлаб чиқилди.

Картошка етиштириш соҳасида шуни айтиш мумкинки, бу йил экин майдонлари 3 минг гектарга кўпайтирилади. 1987 йилга нисбатан олганимизда бу йил картошка ялпи миқдори 2,7 процент кўпаяди. Ҳўжаликларда 164 минг тонна картошка етиштириш кўзда тутиляпти. Уларда алмашлаб экишга жиддий эътибор берилади. Бу ҳам картошка етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Бу йил картошкачилик соҳасида яна бир янгилик амалга оширилаяпти. Бу ҳам бўлса, картошка етиштириш тўла равишда онла ва ижара пудратига берилади. Ҳатто Олтой ўлкасида, Ноқоратупроқ зонасида ва бошқа жойларда 25 минг тоннагача картошка етиштириш кўзда тутиляпти.

Сабзавот тақчиллигига ҳам барҳам берилади. Масалан, бу йил жами 755 минг тонна сабзавот маҳсулотлари етиштириш белгиланмоқда. Бу 1987 йилга нисбатан анча кўпдир.

Мутахассис сифатида шуни айтишим мумкинки, деҳқончилик маданиятини ошириш ҳам бу борада муҳим роль ўйнайди.

Шаҳар саноат корхоналари ҳам оталиқ ёрдамини кучайтириш тадбирларини белгилашган. 80 гектар майдондаги эски теплицалар реконструкция қилинади. 20 гектар майдонда янги теплицалар қурилади. Ҳар бир теплицага биттадан корхонадан бириктириб қўйилади. Бу тадбир ҳам сабзавот маҳсулотлари етиштиришни бир ярим баравар ошириш имконини беради.

Агар эътибор берган бўлсангиз, бизда эртаги сабзавотлар етиштириш сустроқ иш. Энди плёнка остида эртаги сабзавот етиштириш кўпаяди. 2 минг гектар майдондаги сабзавот ана шу тариқа етиштирилади. Бунинг натижасида сабзавот маҳсулотлари 40 минг тоннага кўпаяди. Сабзавот турларини кўпайтиришга ҳам эътибор берилади. Пиёз ва карам етиштириш бироз камайтирилиб, ўрнига бодринг, помидор ва аҳоли талаб-эҳтиёжига мос бошқа маҳсулотлар етиштириш оширилади.

Полиз маҳсулотлари етиштиришни бу йил 135,8 процентга етказиш учун реал имкониятлар бор.

Узум анча кўпайди. Бу йил боғдорчилик ва узумчилик соҳасида янги мева етиштириш 1,5 баравар ошади. Ҳозир бу борада катта ишлар олиб бориляпти. Бу йил 294 гектар боғда янги кўчатлар, 360 гектар майдонда узум қаламчалари ўтқазилади. Бундан ташқари 300 гектар боғ ва 500 гектар узумзор реконструкция қилинади. Мева ва узумнинг янги навларини, масалан, кишмишни етиштириш юзасидан муайян ишлар олиб бориляпти.

Бир сўз билан айтганда, съезд белгилаган режалар бекамикўст амалга ошяпти, турғунлик йиллари йўл қўйилган камчиликларга бутунлай барҳам бериш ва аҳолини мева-сабзавот маҳсулотлари, айниқса картошка билан таъминлаш учун барча тадбирлар кўрилмоқда.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИДА

● **ПРАГА**

Чехословак халқининг 1948 йил февралида буржуа реакцияси устидан қозонган ғалабасининг 41-йиллиги муносабати билан Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиуми Чехословакия Социалистик Республикасининг барча гражданларини социализмни янада ривожлантириш учун кучларни бирлаштиришга даъват этувчи мурожаатнома тарқатди.

Мурожаатномада Чехословак халқи ғолибона февралнинг 41 йиллигини мамлакат тараққиётининг янги босқичи — ижтимоий турмушнинг барча соҳаларини комплекс қайта қуриш босқичига қадам қўйган вақтда нишонлаётгани таъкидланади. ЧКП илгари сурган қайта қуриш ва демократиялаш программасини, дейилади ҳужжатда, жамоатчилик тўғри тушуняпти ва кенг қўллаб-қувватлаяпти.


● **ВАРШАВА**

СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар билан ҳар томонлама шерикчилик муносабатларини ривожлантириш, Варшава Шартномаси доирасидаги дўстона ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши фаолиятини биргаликдаги ҳаракат иқтисодий механизмининг тобора ўсиб борувчи роли билан мувофиқлаштириш Польша Халқ Республикаси ташқи сиёсатининг асосий йўналиши бўлиб қоляпти. Бу Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Варшавада бўлиб ўтган мажлисида таъкидланди. Унда Польша Халқ Республикасининг ўтган йилдаги ташқи сиёсий фаолиятига баҳо берилди ва «1989 йилги Польша ташқи сиёсатининг асосий масалалари» ҳужжати маъқулланди.

● **ОТТАВА**

Канада ташқи ишлар министри Жозеф Кларк Совет қўшинлари Афғонистондан тўла олиб чиқиб кетилганлиги муносабати билан қониқиш билдирди. Канада ташқи ишлар министрлиги тарқатган баёнотда бу қадам, «Совет Иттифоқи Женева битимлари доирасида ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажараётганлигини кўрсатади», дейилади. Совет қўшинларининг Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши, деб уқтирди Кларк, Шарқ билан Ғарб ўртасидаги ҳозир яхшиланиб бораётган муносабатларни мустаҳкамлашга кўмаклашади.

(ТАСС).



Франциянинг Ментона шаҳри. Бу йил мазкур шаҳарда «Франциянинг тарихи» рубрикаси остида ўтган 57-Халқаро лимон байрамини нишонлаш учун 17599 соат меҳнат қилган, 120 тонна лимон ва апельсин, 20000 та гул сарф лашга тўғри келди. Ментона Ривьерасининг энг катта курортларидан бири ҳисобланади.

СУРАТДА: Франция жанубий аҳолисининг миллий кийимларини кийган қизлар лимон ва апельсинлардан бунёд этилган Париждаги «Қизил тегирмон» кабаресининг макети олдида рақс тушишмоқда.

АП-ТАСС телефотоси.

Рус тилини ўрганамиз

7-сабоқ

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари ҳузуридаги миллий муносабатлар муаммолари советининг аъзоси, профессор Алибек РУСТАМОВ таҳрири остида

⊙ ТАЛАФФУЗ. Ўтган икки сабоқда «а» фонемасининг қайси ўринларда қандай талаффуз этилишини ва ҳ. шини билиб олдик. Энди рус тилидаги «о» фонемаси ҳақида келсак, бу фонема «а» фонемаси я ҳарфи билан ифодаланадиган урғули ўринларда ё ҳарфи урғусиз ҳолатда е ҳарфи билан ифодаланади. Бунинг урғусиз бўғинларидаги талаффузида «а» никидаги каби ўзгариш бўлади. Бу унга қўшимча яна бир ўзгариш содир бўлади. Бу ҳам урғусиз ўринларда ўзгариш шундан иборатки, «о» урғули бўғинларда қалин ундошдан сўнг, сўз бошида ундан кейинги бўғинларда ҳам «а» каби айтилади. Масалан, вода (сув) сўзи «вада», «опоздать» (кечикмак) сўзи «апаздать» деб талаффуз қилинади. Аммо оловчи («отвечать» тувчи) шеваларда бу ўзгариш юз бермайди. «О» ҳарфи мазкур ўринда «а» деб айтувчи шевалар «аловчи» ва ҳ. ди. Ҳозирги рус адабий тилида олаш эмас, алаш дейилган. Лекин «а» мазкур ўринларда сезиларли даражада ўзгармагани, «о» эса «а» каби айтилгани учун ҳам унинг талаффузи бу ҳолда ҳам бир хил бўлади.

Демак «а» ва «о» фонемаларининг урғусиз бўғинларидаги талаффузи бир хил бўлар экан. Масалан, «сама» ва «лаққани» маъносидаги сўзларидаги «а» ва «о» фонемалари бирдай «а» талаффуз қилинади. «Молоко» (сут) билан «молоток» (озроқ) сўзларининг биринчи бўғинидаги «о» ва «а» ҳилда «ъ» деб айтилади. «Мама» (ойи) ва «малочный» ларининг охиридаги «а» билан «о» ҳам «ъ» деб талаффуз қилинади. «А», «и» ва «ъ» деб айтиладиган ҳолларда «о» ҳам «и» ва «ъ» тарзида талаффуз этилади. Бошқа ҳолларда ёзувда ҳам ўзгариш юз беради — «о» ҳарфи билан алмаштирилади. Масалан, ёж (ёжик), ежа (йижа — кирпини) ва счёт (счет — ҳисоб) — счетовод (счьтавод — ҳисобчи) сингари.

⊙ КЎПЛИК. Биз ўтган сабоқда «и» тугамаслик аломати бўлиб келиш ҳоллари билан танишдик. Энди тик ундошлардан сўнг «и» ўрнида «ы» келади. Бу ҳол сўзнинг бирлик аломати ноль ва «а» шаклларида бўлганда мумкин:

сад — сади (боғ, боғлар)
самовар — самовари (самовар, самоварлар)
машина — машины (машина, машиналар)
газета — газеты (газета, газеталар)

Бироқ ноль тугамали негизи қалин ундош билан тугалланган сўзларнинг баъзиси ва «о» шаклидаги тугамали сўзларнинг аксари кўпликда «а» тугамасига эга бўлишади:
дом — дома (уй, уйлар)
глаз — глаза (кўз, кўзлар)
окно — окна дераза, деразалар)
письмо — письма (хат, хатлар)

Аммо **колено — колени (тизза, тиззалар)**, **стулья (курси,курсилар)**, **перо —перья (пат, патлар)**, **яблоко — яблоки (олма, олмалар)**, **ухо — уши (қулоқлар)** сингари истисолар ҳам бор.

Муҳтарам газетхонлар! Рус тилидаги кўпликнинг ўзига хос лексик хусусиятлари ҳақидаги ўзга маълумотни кейинги сабоқларга қолдириб, энди бироз рус ва ўзбек тилларидаги кўпликнинг ўзига хос маънолари ва қўлланиши ҳақида фикрлашайлик.

Рус тилида тўртдан ортиқ сондан кейин от бирлик шаклда ишлатилмайди. Масалан, «бешта китоб» деган ибора рус тилига «пять книг» (айнан: китобларнинг бештаси) тарзида ўгирилади. Аммо туркий тилларда, жумладан ўзбек тилида ҳам сондан кейин от бирликда қўлланилади, унга «лар» қўшимчаси қўшилиши шарт эмас. Масалан, «тўрт» ёки «тўрт нафар йигит» деганда от бирлик шаклда бўлмайди. «Тўрт йигит» ёки «тўрт нафар йигит» деганда от кўплик шаклда ишлатилади. «Йигит» сўзини «лар»сиз ва «тўрт»ни «та»сиз ишлатилади ёки «та» ўрнида «нафар» сўзи истеъмол қилинади.

Ўзбек тилида бирлик сийғасидаги от фақат бирликдаги нарсани билдирмайди. Шунинг учун бир киши агар минг китоб олса ҳам, «китоб олдим» дейди. Агар битталигини алоҳида таъкидлаш керак бўлса, «битта китоб олдим» дейди. Аксинча, библиотекачи ёки тингловчига маълум китоб бўлса, «китобни олдим» дейди. Рус тилида эса номаълум бўлса, «бир китоб олдим» дейди. Русча «книга» эса битта бўлса, бирлик, бирдан ортиқ бўлса, кўплик маънони ифодалайди ишлатилади, «лар» қўшимчаси ўзбек тилида таъкидланган нарсага маълум бўлган нарса бирдан ортиқ бўлганда ишлатилади. Масалан, сиз менга «фалон-фалон китобларни олинг» десангиз, мен шу китобларни олсам, сизга «китобларни олдим» дейман. Сиз бундан мен ўша китобларни олганлигимни англайсиз.

Ундан ташқари «лар» қўшимчаси ҳурмат, турли муболаға учун ишлатилиши мумкин. Масалан, «ота-оналар» деганда ҳурматни ифодалайди, «юракларим» деганда «лар» муболағани билдиради. «Боғда мевалар пишди» деганда турлиликни англатади.

Рус тилида бир кишига нисбатан «дадамлар» ва ҳ. шининг юрагига нисбатан «юраклар» каби кўплик тиб бўлмайди. Аммо турлиликка нисбатан ишлатилади. Масалан, турли мойларни «масла» дейдилар.

Ҳозир баъзан ўзбеклар «лар»ни ўринсиз қўллайдилар. Бунда қисман тажрибасиз таржимонларнинг айби бор. Буни ёш таржимонларимиз ҳисобга олиб, ўз ишларида керак. Кўплик формасининг ишлатилиши турли ҳолларда турличадир.


От олдида бирдан ортиқ сон келганда кўплик қўшимчасини қўшиш инглиз тилига хос. Рус тилида эса иккидан тўрт сонларидан кейин от бирликда, лекин қарийб ҳамма ҳолларда берилади. Масалан, «две книги», яъни «китобнинг иккиси» дейилади ва бу мазмунан ўзбекчадаги «иккита китоб»га тўғри келади. Тўртдан юқори сонлардан сўнг эса от эса қаратқичнинг кўплигида берилади. Охирги иккита, уч ва тўрт сонлари билан тугаган кўп хонали сонлар мустасно. Масалан, «пять книг», яъни «китобнинг беши» дейилади ва бу ўзбекчадаги «бешта китоб» га мос келади.

Рус тилидаги кўпликнинг ўзига хос хусусиятлари кўп. Булардан таржимон учун энг муҳими шундаки, шундай ратки, рус тилидаги бирлик сийғасидаги от асосан бирор нарсани билдиради. Хоҳ гап аниқ нарса ҳақида борсин, хоҳ ноаниқ нарса борасида. Ўзбек тилида гап аниқ нарса устида бораётганда бирлик сийғасидаги от кўпликка нисбатан ҳам ишлатилади. Шунинг учун рус тилидаги отнинг кўплик сийғаси аниқ нарсаларни билдирганда ўзбекчадаги кўпликка тўғри келади.

Рус тилидаги отнинг кўплик формасига хос иккинчи муҳим хусусият унинг сўз ясовчилиги ва сўзга ясовчилиги маъно беришидир. Масалан, «выбор» сайлаш, танлаш маъносида. Аммо «выборы» сайловдир. Буни «сайловлар» деб таржима майди, агар сайловнинг бир неча тури назарда тутилмаса. «Золотые пески», «Ленинские горы», «Выборы» деганда кўплик жой номи ясайди. Бундай ҳолларда ҳам ўзбек тилида от бирлик формасида ишлатилади. «Қорақум», «Қизилқум» сингари.

⊙ ТАРИХИЙ МАЪЛУМОТ. Рус тилининг ҳинд-европа тилига бориб тақалиши тил фактларидан да исботланганини билдик. Ўзбек тилига шу нуқтаи зардан қарасак, бир фикрга кўра олтой тилига, яна бир фикрга кўра ўрол-олтой тилига мансублиги олтой тилининг ҳинд-европа тили билан қардошлиги инкор этилмайди ва бу текшириб тўлиқ исботланиши зарур бўлган муаммолардан ҳисобланади.

Қадимги ҳинд-европа халқи ва унинг тилининг давринининг саналари номаълум бўлганидек ўрол-олтой халқи ва унинг тилининг ҳам илк даври аниқ эмас. Ҳозир Япониядан тортиб Шарқий Европагача ўрол-олтой тилларида сўзлашувчи халқларнинг олтой бобо тилида сўзлашган аждодининг илк макони тойдан Уралгача ерлар бўлган дейилади.



«Шарқ юлдузи» журналининг 2-сони ҳам одатдагидек, турли-туман материалларга бой. Унда адабиётимизнинг ҳамма жанрлари — проза ҳам, поэзия ҳам, публицистика ҳам, адабий танқид ҳам ўз ўрнини топган.

Маълумингизки, проза журналимизнинг ўзагини ташкил этди. Бу сонда сиз Эркин Самандарнинг «Дарёсини йўқотган қирғоқ» романининг давомини ўқийсиз. Бу роман нафақат табиат экологияси ҳақида, балки одамлар, уларнинг феъли-атворида юз бераётган экология ҳақида ҳам жозибали ҳикоя қилади.

Журналимизни мунтазам ўқиб бораётган ўқувчи бир нарсани сезмай иложи йўқ: биз журналнинг мазмунини ранг-баранг қилиш ниятида бошқа тилларда ижод қилувчи авторлардан ҳам (агар у ёзган асар халқимизга ёрдам берса) мунтазам жалб қилиб келяпмиз. Мен ўтган сонларимизда иштирок этган авторларимизни санаб ўтирмоқчи эмасман. Фақат шу сонниг ўзида Владимир Карповнинг «Саркарда» номли қиссаси билан Андрей Вознесенскийнинг «Ҳандақ» достони, қозоқ шоири Абдулла Тожибоевнинг туркум шеърлари, Михаил Бабиневнинг «Ранснинг иккинчи мактаби» очерки билан қатнашганларини айтиб ўтишнинг ўзи кифоя деб ўйлайман. Шу фактнинг ўзи журналимизнинг интернационал журнал эканини кўрсатиб турибди.

Бу сонда Фарҳод Мусажоновнинг икки ҳикояси чоп этилди. Ҳикоялар болаларнинг беғубор олами ҳақидадир.

Журнал ёш талантларни тинмай излаб келади, уларнинг асарлари журнал коллективи ва редколлегиясига маъқул бўлса, галга солмай «Булоқ кўз очди» рубрикаси остида мунтазам равишда бериб боради. Одатга кўра бу сонда ҳам ана шундай ёшлардан Муҳаммад Исмоилнинг «Умидимсан йўлга қарасам» туркум шеърларини, Шуҳратжон Мусаевнинг «Кўршапалак» ҳикоясини чоп этган.

Яна ёш авторлардан Алишер Мақсумовнинг «Чорраҳада қолган бола» қиссаси, Неъмат Арслоновнинг «Қўмондон», Музаффарнинг «Узук кўзидаги хат» ҳикоялари, Абдулла Шер, Саъдулла Аҳмад, Нусрат Каримларнинг туркум шеърлари ҳам журналдан ўрин олган.

Журналимизнинг мазкур сонида ҳамма рубрикалар ўз инъикосини



топган: «Адабий танқид» ҳам, «Тақризлар» ҳам, «Йиллар, воқеалар, ҳужжатлар», «Акс садо»га алоқадор воқеалар ҳам, «Гулқайчи»даги қувноқлик ҳам ўз ифодасини топган. Ўйлаймизки, бу ранг-баранг материаллар журналхонни бефарқ қолдирмайди.

Носир ФОЗИЛОВ,
«Шарқ юлдузи» журналининг масъул котиби.

Дўстликка чорловчи муҳаббат

«Фарҳод ва Ширин» мисолида музикали драма ҳақида ўйлар

Драматургиямиз ва театр санъатимизнинг Октябрь инқилобидан сўнг етмиш йил ичида босиб ўтган тараққиёт йўли мураккаб, беқиёс ҳамда зафарлидир.

Ўзбек саҳнасида кўплаб ғоявий-бадиий баркамол драматик ва музикали асарлар қўйилдики, совет кишиларининг маънавий қиёфаси шаклланиб камол топишида, меҳнаткашларнинг эстетик тарбияланишида уларнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Мана шу борада маданий меросимизнинг классик намуналарини саҳнада бадиий мужассам этиш ҳам жиддий аҳамиятга эга бўлди.

Буюк бобомиз Навоийнинг «Хамса»си юзага келганига ярим минг йил бўлди. Уни йирик тазкирачилар атрофлича тавсифлаганлар, кўп тарихчилар синчиклаб ўрганганлар, ўнлаб адабиётшунослар таҳлил этганлар, санъатшунослар ҳам у ёки бу тарзда ёндошганлар. Соҳиби қаламнинг халқпарвар ижодиёти улкан ва туганмас бир хазина бўлса, «Хамса» бу ижодиётнинг биллур гултожидир. Бу хазинадан маънавий тараққиётимиз, бадииятнинг барча соҳалари, шу жумладан адабиётимиз, мусиқамиз, драматургия ва театримиз, кинематография, тасвирий санъат, рақсимиз ҳамда архитектурамиз баҳра олди, баҳра олиб келмоқда.

Саҳнамиз навоийномасига атоқли шоир ва драматург Хуршид томонидан асос солинди. «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» музикали драмалари 20-йилларнинг бошидаёқ саҳна юзини кўрди. Спектакллардаги куйлар ва қўшиқлар таниқли бастакор Шораҳим Шоумаров иштирокида яратилганди. Хуршиднинг Алишер Навоий «Хамса»сидаги достонларга мурожаати бежиз эмасди. Унинг уч сабаби бордир. Биринчиси — шоирнинг буюк устозга нисбатан юксак ҳурмат-эҳтироми; иккинчиси — меҳнаткашларни инсонпарварлик, дўстлик, ватанпарварлик, интернационалистик руҳда тарбиялашда яқиндан ёрдам бериш; учинчиси — ёш Шўролар ҳукумати чиқарган тарихий Декретга жавоб.

1918 йилда ёш Совет давлати ўз бошидан жиддий қийинчиликлар кечириб турган бир вақтда, Совет Туркистони душманлар қуршовида бўлган пайтларда халқимизга катта интернационалистик ёрдам кўрсатилди: РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг «Туркистонда суғориш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги Декретни Владимир Ильич Ленин имзолади. Хуршид Навоийнинг «Хамса»сидаги машҳур достон бўйича «Фарҳод ва Ширин» пьесасини яратишга киришди. Унинг назарида «Фарҳод ва Ширин» саҳна асари ўлкадаги қақраган ерларни обод этиш мақсадида Шўро ҳукумати чиқарган Декретни амалга оширишда меҳнаткашларни мардонавор бунёдкорлик ишларига чорловчи асар бўлиши керак эди.

«Фарҳод ва Ширин» дўстлик, вафо, садоқат, муҳаббат, ватанпарварлик ҳамда қаҳрамонлик каби энг яхши инсоний фазилатларни ўз ичига қамраб олган достондир. Унинг яна бир ажойиб хислатларидан бири шуки, ундаги бош қаҳрамон — Фарҳоднинг ажойиб фазилати — ариқ қазиб, қақраган ерларга сув келтириш ва боғу роғлар бунёд этиш каби халқпарварлик фазилати бор... Хуршид ушбу номдаги пьесасини ёзаётганида халқ ривоятлари, эртаклари, афсоналари ва достонларини ҳам диққат марказидан қочирмади. Хуршид мусиқий драмаси романтик бўёқларга бой саҳна асаридир. Унда айниқса марказий образ — Фарҳод тимсолига катта урғу берилган.

Достондаги сингари пьесада ҳам турли миллат, халқлар вакиллари ҳаракат қиладилар — уларнинг ватани ҳам, диний эътиқоди ҳам турлича. Масалан, Шопур — эроний, Ширин — арман қизи, Фарҳод — Чин (Хитой ўғлони).

Маълумки, Кавказ халқлари қадим-қадимдан қўшни бўлиб яшаб келадилар, бир осмон тагида ҳаёт кечирадилар, дарёлару тоғлардан бирга баҳра оладилар; уларнинг маданияти ҳам азалдан ўзаро бойиб, ривожланиб келади. Бироқ тарихда дин ёсумонлари, мустабид реакционерлар ушбу халқлар, миллатлар ўртасига низолар ташлаб, шўри-шарлар келтирганини, қулдорлар ушбу эзларни талаганини, одамларнинг қонини тўкканини, маданиятини инқирозга учратганини ҳам биламиз. Мана шулардан яхши огоҳ бўлган Алишер Навоий ўзининг «Фарҳод ва Ширин» достонини яратиши ҳам бежиз эмасди. У Фарҳодни ҳам бежиз адолат пешаси, босқинчиликни сира ёқтирмайдиган, халқлар бошига мусибат тушганда, шу жумладан арман элига ҳам, ёрдамга келувчи ўзаро хусуматлар, тор миллий келишмовчиликлар ва низолардан кўра тинчликни, биродарликни афзал кўрадиган байналминалчи романтик қаҳрамон қилиб яратди.

Буюк шоиримиз мадҳ этган Фарҳоднинг — юрт адолатли муносабатлар. дўстлик ва биродарлик билан обод, эл ҳам эҳсон, яъни халқларнинг оғаларча ёрдами билан шод, мамнун деган муаззам сўзлари бугунги кунда оғир табиий офат — зилзилага учраган арман элига, арман қардошларимизга совет халқлари, жаҳон жамоатчилиги кўрсатаётган ёрдамига, гуманистик интилишларига ҳамоҳанг эмасми? Азалий яхши миллий анъаналаримиз социалистик умумийлиқ мазмуни, қардошлик турмуш тарзи билан омихта бўлиб, янада мустаҳкам пайвандлашиб, умуминсоний равнақ топиб бораётганидан чин далолат эмасми? Асардаги Шопур ҳам интернационалист, Фарҳоднинг ҳақиқий дўсти, биродари, у ҳам ёвузликни ёқтирмайди, инсоний фазилатлар эгаси, ўз тимсолида дўстликни рамз этади. Хисрав элидан бўлса ҳам ёвуз-босқинчи эмас, Фарҳоднинг, Ширининг дўсти, элдар тинчлигининг тарафдори, Фарҳоднинг севгилиси Ширин ҳам юксак фазилатлар эгаси бўлган латофатли ва назокатли, мамлакат фаровонлиги учун жон куйдирувчи ақлли аёл. У ўзининг фазилатлари билан Фарҳодга тенглаша олади ва уни дили-жондан севади. Ширин билан Фарҳод муҳаббати диний эътиқодлардан ҳам юксак кўтарилади, икки халқ ўртасидаги меҳр-оқибат бўлиб тараннум этади.

Театр саҳнамизда Ширининг ажойиб сиймосини машҳур санъаткорларимиздан Ҳалима Носирова, Тамарахоним, Лутфихоним Саримсоқова, Маъсума Қориева, Шоҳида Маъзумова, Назира Аҳмедова, Зайнаб Содиқова, Назира Иноғомова, Шаҳодат Раҳимова, Қамара Бурнашева, Ҳафиза Иброҳимова, номи умрбоқийликка юз тутган Турсуной Саидазимова яратишга муваффақ бўлдилар. «Фарҳод ва Ширин» совет кишиларини ватанпарварлик, интернационализм руҳида тарбиялашда, меҳнаткашларнинг ва айниқса ёш авлоднинг юксак маънавиятини шакллантиришда, уларга эстетик баҳра беришда аҳамияти катта бўлди ва бўлиб келмоқда. Ушбу асар ўзбек музикали драмасининг шаклланиши ва равнақ топиши, республикамизда миллий операнинг майдонга келишида ҳам принципиал аҳамият касб этди. У жуда кўп режиссёр, дирижёр, балетмейстер, театр рассомлари, хормейстерлари учун ҳам ўзига хос бир интернационал мактаб, ижодий лаборатория бўлди. Ушбу асарнинг турли театр саҳналарида узоқ йиллар мобайнида саҳналаштириш жараёнида турли миллатга мансуб ижодкорлар бевосита иштирок этдилар. Атоқли ўзбек бастакорлари Шораҳим Шоумаров, Юнус Ражабий, австриялик рассом Макс Айхберг; таниқли рус композитори Виктор Успенский; машҳур ўзбек режиссёрлари Маннон Уйғур, Музаффар Муҳамедов, Зуҳур Қобулов; истеъдодли татар театр намояндаси Камол 1; талантли рус балетмейстери Губская; иқтидорлик ўзбек дирижёрлари Мухтор Ашрафий, Фазлиддин Шамсиддинов; дастлабки театр рассомларимиздан Мели Мусаев, Шоназир Шораҳимов; республикамизнинг кўзга кўринган саҳна режиссёри Э. Юнгвальд-Хилькевич; тожик саҳна устаси София Тўйбоева, уйғур артистқаси Зайнаб Полтушевалар шулар жумласидандир.

«Фарҳод ва Ширин» 20-йиллардаёқ Боқуда, 1930 йилда Ватанимиз пойтахтида ўтказилган СССР халқлари биринчи театр олимпиадасида, 1937 йилда эса Москвада бўлиб ўтган биринчи ўзбек санъати декадасида намойиш этилиб, катта шуҳрат қозонган эди. 50-йилларда Алишер Навоий номли академик опера ва балет театри, 70-йилларда Самарқанд давлат опера ва балет театрида ҳам турли йилларда қардош Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон театрларида ушбу асарнинг қўйилиши ҳам маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди.

Буюк шоир, дўстлик куйчиси Алишер Навоий таваллудининг шонли 550 йиллиги тобора яқинлашиб келмоқда. Бироқ, кези келганда, шуни ҳам айтиш керакки, театр арбобларининг ушбу катта юбилейга тайёргарликлари суст бормоқда. Сўнгги пайтларда, «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» каби классик музикали драмаларимиз саҳнадан тушиб кетди. Бу номдаги опералар ҳам бир неча йиллардан бери намойиш этилмаётир. Ҳатто Муқимий номли ўзбек Давлат музикали театри ҳам сўнгги йилларда бир қатор ўртамиёна асарлар, енгилелпи комеднялар билан кифояланиб ўз репертуарларига «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» музикали драмаларини киритмаётир.

Сўнгги вақтларда Муқимий номли музикали театримиз ижодий фаолиятида «Нурхон» асарининг янгича талқини боис, саҳнамизда биринчи бор қўйилган Рабиндранат Тагорнинг «Рожа» (М. Бафоев мусиқаси, режиссёр Р. Бобохонов), Марцинкявичуснинг «Прометей» асарлари туфайли бирмунча ижобий бурилиш кўзга ташланди. Аммо на профессионал театр танқидчилигимиз, на мусиқашунос ва санъатшуносларимиз, ҳатто адабий танқидчилигимиз ҳам бу ҳодисага жиддий ёндошиб, матбуотда объектив обзор материал ёҳуд тақриз бермадилар.

Музикали драма жанрининг энг долзарб муаммоларидан бири етакчи ролларни (партияларни) ижро эта оладиган ажойиб овозли ёш санъаткорларни тарбиялаб етиштиришдир. Бу борада республика бадиий ўқув юртлари ҳам янада жиддийроқ ўйлаб кўришлари лозим бўлади. Ахир ҳеч кимга сир эмас, мазкур театр саҳнасида «Тоҳир ва Зуҳра», «Ҳолисхон», «Тошболта ошиқ», «Ака-ука совчилар», «Тошкентда туман», «Чароғондир чўлда юлдузлар» каби спектакларни кўрган томошабинлар, аввалги бадиий баркамол, ўта ҳаяжонли постановкаларни овозлари ҳеч қандай микрофонсиз залда жаранг тортадиган, ҳассос санъаткорлардан Маҳмуджон Ғофуров, Шаҳодат Раҳимова, Эътибор Жалилова, Соиб Хўжаев, Лутфихоним Саримсоқова, Фароғат Раҳматова, Абдуғофур Абдураҳмонов, Турсунхон Жаъфарова, ажойиб санъаткорлар Раззоқ Ҳамроев, Ҳамза Умаровларни қўмсаши табиий... Бу ўз навбатида атрофлича мулоҳаза, аниқ тадбирларни амалга оширишни тақозо этади.

Баҳриддин НАСРИДДИНОВ,
Тошкент Давлат маданият институти доценти, театршунос.

Анвар МУҚИМОВ.

Тут «министр»

Ҳажвия

Жумашер бухгалтерияга кириб келганда, унинг тирриқ бўлиб чиқди. Колхознинг пилла плани бу йил ҳам тўлмаган, ҳатто, саксон уч фоизда қолиб кетибди!

— Э, колхоз, колхоз! — ғудирлайдирлай уйига жўнади у. — Қачонгача шу болага ўхшаб тайёр ошингни тўкиб берасан? Қачонгача қанчадан-қанча ортиқча маблағ, пақир-пақир пешона терингнинг бошига сув қуясан!.. Мана энди иккинчи қайта қурт боқилади, учинчи қайта боқилади... Қарабсанки, келаси йилги қурт ризқининг баракаси чўрт кесибди-кетибди! Янаги йил тағин ўша саксон уч!..

Жумашер хит бўлиб ҳовлисига келса, аммаёқ тўзғиган, беш-олти ўспирин ана титиб юришипти.

— Ҳа, йигитлар!— деди у остонада ўқтаб. — Нима йўқотдиларинг?!

— Тилла, тилла!— кулди бир йигитнинг боғини узиб сочаркан.

Жумашернинг жаҳли чиқди.

— Пилла деявер! — бақирди у. — Нима қиласан гапни бунақа чайқаштириб... Ким тиқиб қўйибди бу ерга пиллани?!

— Буни раисдан сўрайсиз, — деди зоотехник томдан тушаётиб.

Жумашер ёниб кетди.

— Шунақами?! — қичқирди эшикларни шарақ-шарақ очиб. — Мана, қара! Уйларга кириб, қозоннинг ичиниям, қара, мана! Оғилниям, товуқнинг катагиям қара, мана!.. Қаерда ўша раисинг? Пиллани қаерга яширишиб ётганини бир кўрсатиб қўяй!

Жумашер саволига жавоб ҳам кутмай, ташқарига отилди. Жаҳлим лат масин деб йўлда учраганларга атайин қарамай ўтди. Раисни қидира-қидира ўмтепадан топди. Раис белигача кўриниб қумтепанинг устида ўтирган экан. Жумашер раиснинг рўпарасида тўхтади.

— Пилла йўқотдингизми, раис бува?! деди дабдурустдан. — Йўқотган нарсангизни келаси йил топиб бераман, лекин шу шармандагарчиликни!

Раис Жумашер уйини тафтиш қилганимизга нафсонияти оғрипти-да, ўзини ҳаёлга борди.

— Бир сеникимас, ҳамманики ҳам қаёлляпти,— деди.

— Ўшани айтаман-да! — баттар ўдайиди Жумашер. — Ҳамманикини қатасиз, тўзғитасиз, лекин жуда нари борса, беш кило пилла топасиз, қолган беш юз эллик уч килони қаердан топасиз?!

Раисниг энсаси қотди.

— Нима демоқчисан ўзи?!— деди.

— Ған титишни тўхтатинг, шу беш юз эллик уч килони мен топиб бераман, демоқчиман. Фақат «Жума бугундан бошлаб тут қоровули» деб элга жарчи қилиб қўйсангиз, бас. Иш ҳақи ҳам ермасангиз ҳам майли!..

— Э, ғап буёқда дегин, тут «министр» бўлмоқчиман дегин, — деди раис кулиб. — Оббо, сен-ей. Борди-ю, топиб беролмасанг-чи?

— Калламни бераман! — қичқирди Жумашер кўрсаткич бармоғи билан раисни «сўйиб». — Борди-ю, топсам-чи? Раис бирпас гарангсиб қолди. Жумашернинг гапига яраша жавоб қилмаса ҳам, кўзига тикилиб турипти.

— Мана шу оғриқ оёқларимни бераман,— деб кулди.

— Хўп, шунга келишдик-а. —Жумашер раиснинг қўлини қаттиқ қисди. — Ду бугундан бошлаб тут — меники, ен — сизники!

Жумашер аввалларидек мироб эди, одамлар уни «сув министр» дейишарди. «Сув министр» келяпти, деганини эшитган одам оғзига олиб турган сувни ариққа оборибтўкарди. Нимадир бўлиб каналнинг райкачиси билан муштлашиб қолгач, вазифасидан бўшатиб юборилган эди.

Раис Жумашернинг мироблик вақтидаги қилмишларини кесатиб эслатди.

— Аммо билиб қўй, одамларга илгаригидек ўткирлик қилмайсан.

— Қандай? — ҳайрон бўлди Жумашер. — Бусиз иш битадими? Ўрни келганда...

— Йўқ, мутлақо қилмайсан! Бошқача йўлини топасан.

Жумашер «бошқача йўл» қидириб тонготаргача ўйланиб чиқди.

— Товба! — дерди у ўзига ўзи. — Бировнинг уролмасанг, сўколмасанг, тутни ғажиб ҳайдашдек гап-ку, бу!

Жумашер эртасига велосипедини миниб далага чиқиб кетди. Йигирма битта бригадани уч кунда айланиб чиқди.

Раис зимдан кузатиб борарди. Жумашер чиндан ҳам йўлни топмоқда эди: ҳали мол-қўй боқувчи чол-кампирларга куйиниб гап уқдираётган, ҳали болаларга «мол боқиш қойдаси»ни тушунтираётган, ҳали шийпонларда нутқининг ярмини «тут», «барг», «қурт» қилиб ваъз айтаётган...

Жумашер иккинчи қурт тарқатилган куниёқ радиоузелни болани алдаб гапга чиқди. Баргни тутнинг энг тагидан термаган, баргни нобуд қилган қуртбоқар жавобгарликка тортилади, деб правление номидан дўқ ҳам урди.

Сал кунда тутлар капалаб, тутқаторлар шундоқ қўра бўлди қўйди. Қани, энди унга озор етказувчи бирор жонзот топилса! Такрорий қурт тутнинг пастки қисмидаги баргни ҳам еб тугатаолмади.

Жумашер қишда ҳам тинмади, дала кезиб тўпинчи чолларни тут яқинига йўлатмади.

Баҳорги қурт тарқатилиши билан Жуманинг куни туғди. Югуриб-елиб юриб, қуртнинг бешинчи ёшигача тутнинг фақат қуйи қисмидан олдирди, каллакка тиғ теккизирмади. Бунинг натижаси шу бўлдики, ҳар йили етмай ётадиган баргнинг талай қисми ортиб қолди. План ҳам тўлиб-тошди...

Ҳар куни гоҳ далада, гоҳ қишлоқларда бақириб-чақириб юрадиган Жумашер пилла тугаган куни негадир ҳеч қаерда йўқ эди. Лекин машина қуруқ қайтди. Жумашер ўзимнинг «Победа»мда бораман, деб унамабди. Бироздан сўнг у эски «Рига» велосипедини «гийт-гийт» қилиб идорага кириб келди.

— Баракалла, шер! — деди раис унинг қўлини қисиб. — Ютдинг, оёқни ютдинг!..

Раис Жумашерни зўрлаб гаражга олиб кирди. Мукофотга келган мотоциклдан бирини унга ажратиб, тахт қилиб қўйган эди, миндириб юборди.

— Мана сенга ўша айтган оёқ!

Жумашер ўзида йўқ хурсанд, мотоциклни гумбурлатиб ҳайдаб кетди. Бироқ дам ўтмай қайтиб келди.

— Шу билан «министр»ликдан тушдимми энди?— деди орқасига қайрилиб.

— Ие, нега экан! — раис кулди. — Ваколатинг тугагани йўқ-ку, ҳали?!

Жумашер бир илжайиб қўйди-да, газни босди.

Раис бош чайқаб, унинг орқасидан мамнун қараб қолди.

ҲОЗИРЖАВОБ МИРАЛИ

(АЛИШЕР НАВОИЙ ҲАҚИДАГИ ТУРКМАН ХАЛҚ РИВОЯТЛАРИ)

Даромаднинг харжланиши

Мирали билан Султон Суюн ярим кеча зиёфатдан қайтишаётган экан. Зим-зиё тун. Бутун шаҳар ширин уйқуда, фақат ғарибона кулбалардан бирининг дарчасидан ёруғ кўринибди, холос.

Удар: «Ие, шу маҳалгача ухламай чироқ ёқиб ўтирган ким бўлдийкин? Бу ерда бир сир борга ўхшайди-ёв!» дейишиб, ўша уй томонга юришибди. Бориб қарашса, бир қария мукка тушиб олганича, нималарнидир ясаш билан банд экан. Бундан таажжубланган Султон Суюн Миралига қараб:

— Сўраб кўринг-чи, бу одамнинг касби-кори нима экан? Нечун у кечасиям тинним билмайди, наҳотки кундузи топган-тутгани тирикчилигини кўтармаса?! Даромадини нимага сарфларкин ўзи бу чол? — дебди.

Мирали: «Бош устига!» — дебди-да, қариянинг ҳовлиси томон борибди, эшикни тақиллатибди. Қария бемаҳалда эшик қоққан меҳмонга пешвоз чиқиб, уни уйига таклиф қилибди. Улар салом-аликдан сўнг, ҳол-аҳвол сўраб ўтирибдилар. Чой устида иккалови у ёқ бу ёқдан гаплашибдилар. Мирали гап орасида:

— Ёшулли, сўраганинг айби йўқ, деганлар. Узун тундар мижжа қоқмай ишлар экансиз, бу кундузи ишлаб топганингиз қозон қайнатишга етмайдими дейман?! Топиш-тутишингиз яхшими, уни нимага сарфлайсиз ўзи? — деб сўрабди.

— Тўрам, мен бир бечора қосибмаи. Кеча-кундуз тинним билмай ишлаб атиги тўрт аббоси пул топаман, холос. Бир аббосини бериб қарзимни тўлайман, биттасини сувга ташлайман, яна биринн эса қарзга бераман. Қолганини чолу кампир ўзимиз баҳам кўрамиз, — дебди қария.

Эшик ортида турган Султон Суюн буларнинг гапларини эшитиб турган экан, қариянинг гапларидан ҳайрон бўлиб: «Ие, бу қанақаси бўлди? Одам пешона тери тўкиб зўрға ишлаб топган ақчасиннм сувга ташлайдими?» — деб ўйлабди ўзича.

Шу пайт Мирали ҳамсуҳбати билан хўшлашиб, ташқарига чиқибди. Султон Суюнга юзланиб:

— Кетайлик, шоҳим, қариясн тушмагур даромадини қандай сарфлашини тоза қойиллатиб тушунтирди-да ўзиям! — дебди.

Султон Суюн Мирали билан ёнма-ён бораркан:

— Мен ҳамма гапларни эшитдим, Мирали, — дебди. — Жуда ғалати қария экан. Кеча-кундуз тинним билмай ишласа-ю, не азобда топган пулини сувга отиб юрса? Очиғи, қариянинг гаплари мени бир оз ўйлантириб қўйди, сира мағзини чақиб ололмаяпман.

— Шоҳим, у кишининг ёшини ёшаб, ошини ошаган қари ота-онаси бор экан. У «қарзимни тўлайман» деганида кексайиб, белидан қувват кетган ота-онасини боқишга ишора қиласпти. Нега десангиз, улар ҳам вақтида буни едириб, ичириб, камолга етказганлар. Энди унинг ҳам ташвиши катта, оиласи бор, бир ўғил, бир қиз ўстиряпти экан. Сиз ҳайрон бўлаётган «сувга отилган ақчалар» ана шу қизи учун сарфланган харажатлардир. Сабаби, қиз халқи — кишн хасми, деганлар. Боқиб-боқиб катта қиласан, бўй етгандан сўнг узатасан, ўз рўзғори, бола-чақаси билан машғул бўлиб кетади. Шунинг учун қария қизига аталган ақчасини сувга ташлаган билан баробар деб ҳисоблайди. Унинг «қарзга берадиган» пули эса ёлғиз ўғлига аталган ақчасидир. Бунинг маъноси шуки, шоҳим, эскилардан қолган «қайтар дунё» деган нақл бор. Қария ҳам вақти келиб қартайишини, белидан қувват, кўзидан нур кетишини билади. Шундай пайтда қачонлардир ўз ота-онасига қилган яхшиликлари ўғлидан қайтишига ишонади. Охирги тангани нима қилиши эса ўз-ўзидан тушунарли бўлса керак, — деб сўзини тамомлабди Мирали.

«Тошдан телпак тикиб бўладими?»

Бир куни Султон Суюн Миралини гапда мот қилмоқчи бўлиб, унга ақлга сиғмайдиган бир юмушни топширибди:

— Сизга уч кун муҳлат, шу уч кун ичида тошдан телпак тиқиб келасиз,— дебди.

— Агар ҳазратим ипини топиб бersалар, уч кун ҳам гапни, уч соатга қолмай тиқиб бераман, — дебди Мирали.

— Қанақа ип? — дебди Султон Суюн ён беришни истамай.

— Толнинг кулидан ийлаб ишланган ип-да, шоҳим!

— Вой «доно»ей! Ҳеч замонда толнинг кулидан ҳам ип қилиб бўларканми?

— Ундай бўлса, тошданам телпак тикиларканми, шоҳим! — дебди Мирали.

Миралининг ҳозиржавоблигидан қаттиқ изза бўлган Султон Суюн ер чизиб қолган экан.



Москва. Қрим девоаги Рассомлар марний уйида очилган тунтиғоқ тасвирй санъат виставкада барча иттифоқдош спубликалари и н г, сква ва Ленинград ҳарларининг расмлари иштирок шмоқда. Экспозида ҳам етук, ҳам рассомларнинг 450 яқин турли жанрн асарларн намойиш лмоқда.

СУРАТДА: лениндлик И. В. Фадинг «Цветаеванинг гти уйи» асари.

. Пахомова фотоси, СС фотохроникаси.

Хушхабарлар

⊙ Ўзбекистон касаба союзларининг шифохоналари — «Оқтош», «Нагорное», «Октябрь ўн йиллиги» ва «Косонсой» санаторийлари реконструкция қилинмоқда. Бу ерларда даволанувчилар турадиган бинолар янгиланиб кенгайтирилмоқда. Янги спорт комплекслари ва сауналар қурилмоқда. Шифохоналарда янги медицина усуналари ва аппаратлари ўрнатилади. Реконструкциядан сўнг уларнинг ҳаммаси ихтисослашган шифохоналарга айлантирилади.

⊙ Ўзбекистон Архитекторлар союзи ҳузурида ҳўжалик ҳисобидаги янги ташкилот — Архитектура фонди тузилди. Бу фонд ижодий кооперативлар ташкил этиш, улар учун буюртмалар қидириб топиш вазифасини ўз зиммасига олади. Бу эса ҳусусий уйлар лойиҳасига талабни қондириш, шартнома асосида турли объектларни жадал суръатлар билан лойиҳалаштиришни таъминлаш имконини беради.

(ЎзТАГ).

Янги боғча

Пойтахтимизнинг 6-Қорасув массиви 3-участкасида 320 ўринли 302-болалар боғчаси биноси қурилмоқда. Бу боғчада қурилиш ишларини 159-қурилиш трестига қарашли 8-қурилиш бошқармасининг Жўрабек Ҳусанхўжаев бошлиқ комплекс қурувчилар бригадаси олиб бормоқда.

— Шу чоққача 162 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари қилинди, январь ойининг ўзида эса 37 минг сўмлик иш бажарилди. Бу, қурилиш-монтаж ишларининг 70 процентн бажарилди, демакдир,— дейди прораб А. Н. Греско. — Монтажчи А. Холбердиев, пайвандловчи Б. Даниякин ва Г. Момит, ғишт терувчи А. Исмоиловлар барчага ўрнак кўрсатиб меҳнат қилишяпти. Боғчада болалар учун сув ҳавзаси, спорт майдончаси ва бошқа шароитлар яратилади.

О. МАХМАЮСУПОВ.



Янгиликка интилувчан муаллима

Қорасув массивидаги янги 275-ўрта мактаб ўқитувчиси Ж. Нодирова таълим-тарбия самарадорлигига эришаяпти. Жонкуярлиги туфайли ўқувчилар билан химия кабинетини зарур инвентарлар, ўқув қуроллари билан жиҳозлади. Ҳар бир дарсни кўргазмали, атрофлича тушунтиришга интилади.

У ёшлигидан тарбиячи бўлишни орзу қилди. Шунданми, ўрта мактабни битиргач, ҳеч иккиланмай ҳужжатларини Тошкент Давлат университетининг химия факультетига топширди. Тиришқоқ қиз кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтди. 1968 йилда университетни тугатиб Ўрта Осиё «Медпром» илмий-текшириш институти, шу билан бирга Чилонзор районидаги 126-мактабда ишлади. Олган билимларини амалий томондан мустаҳкамлади.

— Бу педагогнинг илм масканимизга келганига кўп вақт бўлгани йўқ, — деди мактаб директори вазифасини бажарувчи Людмила Григорьевна Синекопова. — Шунга қарамай коллектив ўртасида обрў қозонди. Доимо изланади, илғор усулларни қўллашга ҳаракат қилади.

С. ШОДИЕВ.

⊙СУРАТДА: Ж. Нодирова ўқувчилар билан машғулот ўтказаяпти.

Ш. Иброҳимов фотоси.

МОПЕД

Воқеий ҳикоя

Бир ҳафтадан бери уйда битта гап: Ғойибжонга мопед олиб бериш муаммоси. Райҳона опа эри — Эшбой акани «йўлга солиб» нуқул шундан гап очади.

Хотинининг бу ишга бунчалик жони-дили билан киришганини кўрган Эшбой ака ҳайрон. Бир кунн у хотинини ўтқазиб насиҳат қилди:

— Мен ҳам ўғлимни сендан кам яхши кўрмайман. Бола азиз, одобн ундан азиз, дер эдилар бувамлар. Хўп, айтайлик, мопедни олиб бердик, машина йўлига тушиб олиб у ёқдан-бу ёққа мопедни тарилатиб юрадимми! Шоширларнинг кўзига бало бўлиб кўринадимми! Қўни-қўшниларнинг ҳаловатини бузадимми!... Ана ундан кейин кўрасан хавотир олишни. Омон-эсон келармикан деб, юрагимизни ҳовучлаб ўтирамиз. Ўғлимиз ҳали ёш, энди ўн тўртга кирди. Сал эси кирсин.

Аммо Райҳона опа бўш келмади. Эри у деса, бу деди, бу деса у деди. Хуллас ўғлига мопед олиб беришга мажбур қилди.

Ғойибжон мопедни кўриб қувониб кетди. Дарров ҳайдашни ҳам ўрганиб олди. Аммо ота-онани ташвишга қўйди. У отасидан одамларни безовта қилаяпсан, ҳамма тар-таридан безор бўлди дейишига қарамай, маҳалланинг у бошидан-бу бошига мопедни учиргани-учирган эди.

Райҳона опа ёлғиз ўғлининг қувонганидан фахрланар, унинг ғизиллаб учиб юришига завқланиб қарар ва бу завқ кундан-кунга кучаярди. Шундай кунлардан бирида оқшом чоғида ғилдираги синган, рули қийшайган мопедини судраб ҳовлига Ғойибжон кириб келди. Унинг кўйлаклари йиртилиб, юзи тирналган эди. Кўйлагида қон доғлари. Рангида эса қон қолмаган, лекин у сир бой бермас, ҳадеб илжаярди.

— Вой шўрим!.. Нима бўлди! — деди Райҳона опа капалаги учиб.

— Занжири шимимни қисиб олди, кейин симёғочга бориб урилдим, — деди Ғойибжон ғўлдираб.

Айвоннинг полини қоқаётган Эшбой ака ўғлининг аҳволини кўриб тутоқиб кетди.

— Айтмадимми! Бирор фалокатга йўлиқасан деб айтмадимми! — у хотинига дағдаға қилди. — Ҳаммасига сен сабабчисан. Қўймадинг. Мана оқибатн.

Ғойибжон дадасининг гапига эмас, мопеди сингангига ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Хафа бўлма, тойим, даданг устахонага олиб бориб тузаттириб келадилар, — деб ваъда қилди Райҳона опа эрининг номидан.

Эртасига Ғойибжон мактабга бормади. Кеча иссиқ устида билмаган экан, шикастланган оёғи шишиб кетиб юролмай қолди.

Ғойибжон тузалиб, чопқиллаб кетди-ю, кўрган азоби эсидан чиқиб яна мопедини мингиси келиб қолди. Охири Райҳона опанинг қистови билан Эшбой ака мопедни устахонага олиб бориб тузаттириб келди. Яна она бечораннинг ҳаловатн бузилди.

Она баъзан, болам туфайли кўп гап эшитаяпман, деб зорланса унга тасалли берадиганлар ҳам топилиб қолди:

— Парво қилманг, бола бўлса шўх бўлсин, шўх бўлмаса йўқ бўлсин. Шўх бола тез қуйилади. Ўғлингиз ҳали шунақа йигит бўлсинки, гапирганлар тил тишлаб қолишсин.

Кунлардан бирида Ғойибжон уйга синф раҳбари Тойирматибн шундай хулосага келдим. Баъзи ота-оналар бола устида парвона бўлиб, унга гард ҳам юқтирмасликка, қилган айбини ёпишга ҳаракат қилишади, ҳаддан ташқари эркалатишади. Аслида бу билан болага тарбия бериш ўрнига унинг тарбиясини...

Тойифахон қандайдир хотирмаси бор. Бу ... ота-онанинг ... талабчанлигн ... надигани ... нинг ҳам ўз ... Шўх бола ... уни тўғри йўлга ... лаззатли ... кин, тўғри йўлга ... ҳамма ёққа ўт ...

Бу пайтда Ғой... кўчада тарилаш... учиб борар эди... тагига кириб кетиб ... ёр чақчақлик ... жон ҳолатда ... буриб юборди. Р... лаётган «Жигу... урилди. Ғойибж... рўй берган дақ... мопедига газ б... бораркан, орқа... раб қўярди. Шу... билмай йўл ўрта... кетди. Рўпарасид... такси шофёри т... улгуролмай қол... шинага зарб б... Ғойибжон эгар... Буларнинг ҳамм... бўлиб ўтди. Ғой... педи мажақлан... Ўзидан сизиб ... фальтда «жиғи... ди...

Нариги ёқда ... ланган машина ... уч киши. Бу бақ... ри боланн уриб ... бутун вужуди т... сиб турибди. Ни... сизлигини ... син! Ахир унинг ... боласи бор...

Фалокат юз бер... йибжонлар уйга ...

Ўтк...

Редактор ...
С. Б...

Реклама ва эълонлар

ТУРИСТИК-ЭКСКУРСИЯ ПУТЕВКАЛАРИНИ СОТИШ БЮРОСИ

СИЗЛАРНИ «ЧИМЁН» ВА «ЯНГИОБОД» ТУРИСТИК БАЗАЛАРИДА

дам олишга таклиф қилади

Минглаб тошкентликларни кўпдан буён Чимён оромгоҳлари ўзига ром қилиб келади. Қиш кунлари Чимёнда чинакам қор маликаси ҳокимлик қилади. Қиш фасли бу ерда ҳамиша қувонч ва гавжумлик билан ўтади. Баъзилар бу ерда «осма» арқонлар ёрдамида бош айланадиган баландликларга кўтарилиб, тоғ чанғиларида қуйига қараб шамолдек елишади. Бошқа бировлар эса чана йўлларида вақт ўтказишни хуш кўришади, яна бошқа бировлар овлоқ ва тинч Чимён бағрига чанғида сайр қилишга отланишади.

Баҳор келиши билан қорлар тамоман эриб улгурмай тоғ қияликларида ёқут лолалар гиламдек тўшалади. Сал вақт ўтиши билан эса, тоғ ўтлоқларида ранг-баранг гуллар чаман-чаман очилади, чучмомалар эрта билан баргига қўнган шудрингларни силкитиб чирой очади.

Туристлар ҳамма қулайликларга эга бўлган 2-3 кишилик номерларда яшашади.

Ресторан, бар, кино зали, спорт ва рақс заллари, кутубхона туристлар хизматида бўлади. Бу ерда жойлашган прокат пунктидан турли туристик анжомларини олиб сайрга чиқиш, қиш кунлари эса, чанғи ва чана олиб қиш гаштини суриш мумкин.

«ЯНГИОБОД» ТУРИСТИК БАЗАСИ

«Янгиобод» туристик базаси денгиз сатҳидан 1350 метр баландликда Тошкент областининг энг ёш шаҳарларидан бири Янгиобод яқинидаги Дукент дарасида жойлашган. Янгиобод шаҳридан хушманзара «Янгиобод» туристик базасигача бўлган масофа 3 км. келади.

Қиш кунлари туристик база атрофида жойлашган тик қияликлар тоғ чанғиси ишқибозларини ўзига чорлайди. База мароқли маршрутлар бошланадиган ўзига хос пункт ҳам ҳисобланади. Ёёв сайрлар навбати билан Янгиобод, Ангрен шаҳарларига уюштириладиган экскурсиялар билан алмашиниб туради, бу ерда шўх спорт мусобақалари, турист ҳаваскорларнинг концертлари уюштирилади.

Туристлар 2-3-4 кишилик номерларда жойлашишади. Бу ерда ошхона, буфет, туристлар кабинети, кутубхона, чанғи ва туристик анжомларни берувчи прокат пункти, спорт ва рақс майдончалари мавжуд.

«ЯНГИОБОД» ТУРИСТИК БАЗАСИГА ЖЎНАШ МУДДАТЛАРИ:

ФЕВРАЛЬ-МАРТ — 3 кунга. Баҳоси — 24 сўм; 22 МАРТДАН МАЙГАЧА. Баҳоси — 18 сўм.
ФЕВРАЛЬ-МАРТ — 5 кунга. Баҳоси — 41 сўм; 22 МАРТДАН МАЙГАЧА. Баҳоси — 30 сўм.
ФЕВРАЛЬ-МАРТ — 10 кунга. Баҳоси — 82 сўм; 23 МАРТДАН МАЙГАЧА. Баҳоси — 60 сўм.

«ЧИМЁН» ТУРИСТИК КОМПЛЕКСИГА ЖЎНАШ МУДДАТЛАРИ:

МАРТ ЎРТАЛАРИ — 3 кунга. Баҳоси — 33 сўм; АПРЕЛЬ-МАЙ. Баҳоси — 21 сўм.
МАРТ ЎРТАЛАРИ — 5 кунга. Баҳоси 55 сўм; АПРЕЛЬ-МАЙ. Баҳоси — 35 сўм.
МАРТ ЎРТАЛАРИ — 10 кунга. Баҳоси — 110 сўм; АПРЕЛЬ-МАЙ. Баҳоси — 70 сўм.

Туристик базага 5 ёшга тўлган ва путёвкалари бўлган болалар ота-оналари билан бирга қабул қилинади.

Туристик экскурсия путёвкалар сотиш бюроси корхоналар, ташкилотлар, спорт комитетлари, колхозлар ва совхозлар, ўқув юртларнинг раҳбарларини конференциялар, йиғилишлар, слётлар ва бошқа турли тадбирларни ўтказиш учун хоналарни, биноларни ижарага олиш юзасидан шартномалар тузишга таклиф этади.

Барча саволлар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, 11-алоқа бўлими, Навоий кўчаси, 69«а» уй (метронинг «Пахтакор» станцияси). Телефон: 44-12-92.

Ўзбекистон ССР нашриётлар Давлат комитетининг «УЗКИТОБ» БИРЛАШМАСИ АВТОБАЗАСИ автобаза директори лавозимига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ДАЪВОГАРЛАР ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ЁКИ ИНЖЕНЕР-ИҚТИСОДЧИ МАЪЛУМОТИГА ВА РАҲБАРЛИК ЛАВОЗИМЛАРИДА КАМИДА 5 ЙИЛ ИШ СТАЖИГА ЭГА БЎЛИШЛАРИ ЛОЗИМ.

КОНКУРС МУДДАТИ — 3 МАРТГАЧА.

Ҳужжатларни қабул қилиш ойлик муддат тугашидан 10 кун олдин тўхтатилади.

Справкалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Октябрь район саноат зонаси. Телефон: 47-35-12 (қабулхона).

Ер юзидаги воқеалардан доимо хабардор бўлишни истасангиз...

Тоғ бағрида ҳатто бир кун бўлсангиз ҳам мамлакатимизда ва чет элларда рўй берган воқеалардан ортда қолиб кетишингиз мумкин. Ҳаётимиз воқеаларга шунчалик бой.

АГАР СИЗ ТРАНЗИСТОРЛИ «АЛЬПИНИСТ—321» РАДИОПРИЕМНИГИНИ СОТИБ ОЛСАНГИЗ БАРЧА ЯНГИЛИКЛАРДАН ХАБАРДОР БЎЛАСИЗ.

Ихчам, енгил ва бенуқсон ишлайдиган бу радиоприёмник олис сафарларда ҳам, дам олиш соатларида ҳам сизнинг содиқ ҳамроҳингиз бўлади.

«АЛЬПИНИСТ—321» узун ва ўрта тўлқиндаги диапазонларда радио станцияларнинг аниқ қабул қилинишига кафолат беради. Қувват олиши универсал —ҳам тўртта А—343 типидаги элемент билан, ҳам ўзгарувчан ток манбаига уланган ҳолда ишлайди. Нархи — 39 сўм.

«КВАЗАР—303» МАГНИТОФОНИ МУЗИКА ШАЙДОЛАРИ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН

«КВАЗАР—303» — кассетали, монофоник, икки йўлкали қўл магнитофонидир. Овоз ички овоз кучайтиргич орқали эшиттирилади. Овоз ёзиш вақтида шовқинни пасайтириш имконини берувчи қурилмаси ҳам бор. Овоз ёзиш ва эшиттириш, товуш баландлигн ва пастлигини бошқариш тутқичлари мавжуд, «Танаффус» кнопкаси, товуш даражасининг милли индикаторига эга.

Ўзгарувчан ток тармоғидан ёки А—343 типидаги олтита батареядан қувват олади.

«АЛЬПИНИСТ—321» радиоприёмникларини, «КВАЗАР—303» магнитофонларини, «АРМАН» ва «ЧЕРЕМШИНА» овоз кучайтиргичларини, «ВЕГА—9» стабилизаторларини

«ТАШКУЛЬТТОРГ»НИНГ ҚУЙИДАГИ МАГАЗИНЛАРИДАН ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН:

1-магазин — Киров кўчаси, 17;

2-магазин — Халқлар дўстлиги кўчаси, 2;

4-магазин — Куйбишев шоссеси, 850;

8-магазин — Навоий кўчаси, «Дўстлик» ярмаркаси;

11-магазин — Мирсолиҳов кўчаси, 1;

12-магазин — Луначарский маркази;

14-магазин — Беруний кўчаси, Марказ—27;

16-магазин — «Сергели» савдо маркази.

Магазинлар соат 10 дан 19.00 гача ишлайди, танаффус соат 14 дан 15.00 гача. Дам олиш куни — душанба.



«ТАШКУЛЬТТОРГ».

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ

СИВЕЦ НОМИДАГИ АВИАСОЗЛАР МАДАНИЯТ ВА ТЕХНИКА САРОЙИДА

4 МАРТ СОАТ 17.00 ДА

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН

тантанали кеча ва концерт

ҚАТНАШАДИЛАР:

Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби — кинорежиссёр МЕЛИС АБЗАЛОВ.

Республикада хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон ССР Ленин комсомоли мукофоти лауреати ТЕША МЎМИНОВ;

Республикада хизмат кўрсатган артист ГАВҲАР ЗОКИРОВА;

XII Жаҳон студент ва ёшлар фестивалининг лауреати ҲУСАН НОСИРОВ бошчилигидаги

ДОИРАЧИЛАР АНСАМБЛИ

Тошкент область Ленин комсомоли мукофоти лауреати ИСМОИЛЖОН ҒУЛОМОВ;

«Марҳабо талантлар», «Куйланг, ёш хонандалар» телеконкурси лауреати МАНСУР МАМИРОВ.

Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

«ПАРВОЗ» ҲАЛҚ АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИ

Ансамблнинг бадиий раҳбари ШАРИФ ЖАНАЙДАРОВ.

Рақсларни саҳналаштирувчи — Республикада хизмат кўрсатган артист НАСИБА МАДРАҲИМОВА.

Кечада Ҳамза шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар, пьесалардан, кинофильмлардан парчалар кўрсатилади.

Программани театршунос Азимжон МИРҲАБИБОВ олиб боради.

Саҳналаштирувчи режиссёр — Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати СОАТ ШАРИПОВ.

Билетлар маданият саройи кассаларида сотилмоқда. Телефон: 96-78-01.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КОРХОНАЛАР, КООПЕРАТИВЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА ШАҲАР АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

«Ташгортрансэкспедиция» автокорхонаси

НАҚД ПУЛГА

Турли маркалардаги «ГАЗ-24» «ВОЛГА», «ГАЗ-13 «ЧАЙКА», «ЕрАЗ-762», «УАЗ-452», «ГАЗ-52» бортли, мебель ташиш учун мўлжалланган автомобилларни, автосамосвалларни, бортли «КАМАЗ»ларни тўйлар, тантаналар, шунингдек бошқа рўзғор юмушлари учун бериб туради.

ХИЗМАТ УЧУН ПРЕЙСКУРАНТГА БИНОАН ҲАҚ ТЎЛАНАДИ: бир соат фойдаланиш учун «ВОЛГА»га — 5 сўм, «ЧАЙКА»га — 8 сўм, юк автомобили учун — 1 км. йўлга 30 тийин, юк автомобилининг 1 соат кутиб туришига 3 сўм ҳақ тўланади.

Буюртмалар қуйидаги адресларда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Аэродром кўчаси, 5-уй. Телефон: 96-19-32; «Ўзбекистон 50 йиллиги проспекти», 35-уй. Телефон: 41-80-27; Широкая кўчаси, 6-уй. Телефонлар: 34-63-39, 34-63-40; Лисунов кўчаси, 4-уй, 4-квартира, Авиасозлар савдо маркази. Телефон: 96-56-30; Халқлар дўстлиги проспекти, 4 «а» уй. Телефонлар: 77-82-01, 77-82-06; Т. Шевченко кўчаси, 64-уй. Телефон: 55-81-09; Чилонзор массиви, 13-квартал, 1-«а» уй, 1-квартира. Телефон: 75-59-31; Ленинград кўчаси, 15-уй. Телефон: 33-53-93.

«Ташгортрансэкспедиция» транспорт билан боғлиқ ҳамма масалаларда, юкларни ташиб беришда ёрдам кўрсатиш имкониятига эга.

«ТАШГОРТРАНСЭКСПЕДИЦИЯ» ҳузурида аҳоли ва ташкилотларга транспорт ва техника хизмати кўрсатиш юзасидан ташкил этилган

«СТИМУЛ» кооперативи

шахсий автотранспорти бўлган кишиларни, шу жумладан «ЯВА» мотоцикли эгаларини (доимий ва меҳнат шартномасига кўра) **«такси» сифатида ишлаш ва тўй тантаналарига транспорт хизмати кўрсатиш учун**

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

КООПЕРАТИВ ТЕХНИКА ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ СТАНЦИЯСИ ҚУРИЛИШИГА КИРИШДИ.

Кооперативда ишлаётганлар учун харажатларнинг 30 процентини кооператив тўлаган ҳолда автомобилларни ремонт қилиш юзасидан хизмат кўрсатилади.

АЪЗОЛИК БАДАЛИ — СУТКАСИГА 1 СЎМ.

Кооператив адреси: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Т. Шевченко кўчаси, 64-уй (Темир йўл вокзали районида, Аэрофлот кассаси). Телефон: 55-81-09.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: қабулхона — 32-53-76; бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-57-84; экономика ва шаҳар хўжалиги — 32-54-19; социал проблемалар — 32-53-10; хатлар ва ишлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66, 32-54-15; «Ташкентская неделя» рекламалар хизмати — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Р — 01072.

Ички саҳифаларга 16.30 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Б. — 2017. Индекс 64690.